



Камбағалликнинг асосий сабаби — ҳаракатсизлик, дангасалик экан. Афсуски, ёрдам берсангиз, “давлат менга кўмаклашишга мажбур”, деган фикр шаклланиб қолган инсонлар йўқ эмас. Уларнинг фикрини ўзгартиришга интилдим.



Тижорат банклари 7 йилгача муддатга 100 млн. сўмгача кредит ажратади. Кредитларни «маҳалла еттилиги»нинг қафиллиги асосида ажратишга рухсат берилади, улар натижадорлик учун тенг жавобгар бўлади.



MaHalla

2024 йил
4 МАЙ,
ШАНБА

№24
(2162)

ЎЗБЕКИСТОН МАҲАЛЛАЛАРИ УЮШМАСИНИНГ ИЖТИМОЙ-СИЁСIIЙ, МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ГАЗЕТАСИ

WWW.UZMAHALLA.UZ

БУГУНГИ СОНДА:

Энг асосий талаб, бу — натижадорлик!

Ўтган 3 ой якунида барча солиқ турлари бўйича 100 фоиздан юқори натижа қайд этдим, самарадорлик кўрсаткичи 96,6 баллдан тушгани йўқ. Энг асосийси, шу ойлarda лавозим маошимнинг 100 фоиз миқдорида мукофот пули берилди.

5-с.

Кўчалар ёруғ бўлса, жиноят камаяди

Жиноятчиликнинг олдини олишда “маҳалла еттилиги”, фаоллар, кўча бошилари ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликда ишляяман. Агар тунги вақтларда маҳалладаги кўча чироқлари ёқиб қўйилса, жиноятчилик янада камайган бўларди. Чунки қоронғу жойда ўғрилик ва жиноятчилик содир бўлиш эҳтимоли юқори.

6-с.

Дунёни қалб кўзи билан англаётган одамлар

Энг муҳими, улар тақдир синовиға таслим бўлмай, ўз устида ишлашда давом этяпти. Ўқиган асарлари орқали дунёни англаяпти. Шундай экан, уларга раҳм-шафқат назари билан қараш эмас, аксинча имкониятларини юқори баҳолаб, билим олиши учун етарли шарт-шароит яратиб бериш зарур.

7-с.

Таваккалчилик — тадбиркорликнинг аввали

Аслида, тадбиркорлик ҳамманинг ҳам қўлидан келади. Фақат бу ишни бошлашга қандайдир тўсиқлар ҳалал бериши мумкин. Хотин-қизларни ишлашга, ўзини ўзи банд қилишга руҳлантирар эканман, аввало, шу жиҳатларга эътибор қаратаман. Айниқса, тушунликка тушиб қолганларнинг нимадан зерикани, оиласидаги муаммолари, турмуш ўртоғи билан муносабатлари, соғлиги ҳақида суриштираман.

8-с.

Бизни ижтимоий тармоқларда кузатиң!

@mahalla_raislari
@mahalladosh_1
@mahalladosh

Газетанинг телеграмдаги «uzmahallabot»га ўтиш учун QR-кодни сканерланг!

ЖАРАЁН

Маънавият маҳалладан бошланяпти, ёронлар!

Маи ойи — маданий-маърифий тадбирлар ойи, деб эълон қилинди. Маҳаллаларда маданият ва маърифат тадбирларини юқори савияда ташкил этиш ҳамда ўтказиш бўйича чора-тадбирлар Дастури тасдиқланди.

Ойлик доирасида Дастурда белгиланган тадбирларни ҳар бир маҳаллада, шу жумладан, чегарадош ва олис, бориш қийин бўлган ҳамда тоғли ҳудудлардаги маҳаллаларда юқори савияда ўтказишга эътибор қаратилади. Жойларда Кенгаш раиси раҳбарлигида ҳудудий ва туман (шаҳар) ишчи гуруҳлари тузилди. Маданий-маърифий тадбирлар ойлиги ранг-баранг лойиҳаларни ўз ичига қамраб олади. Хусусан, “Темир дафтар”, “Аёллар дафтари”, “Ёшлар дафтари”га киритилган, шунингдек, ҳар бир туман (шаҳар)дан камида 50 нафардан кам таъминланган ва ижтимоий ҳимояга муҳтож кексалар, Иккинчи жаҳон уруши иштирокчилари ва фронт орти фахрийлари учун “Муқаддас қадамжолар бўйлаб” имтиёзли саёхатлар ташкил этилади.

Барча даражадаги давлат бошқаруви органлари раҳбарларининг ўз маҳаллаларида аҳоли билан мулоқотлари уюштирилади. Янги маҳалла бинолари, ижтимоий объектилар фойдаланишга топширилади. Миллий махсулотлар кўргазмалари ташкил этилиб, “Қадриятлар бешигисан, азиз маҳаллам!” шiori остида 18 турдаги миллий ўйинлар бўйича мусобақалар уюштирилади.



Маҳаллаларда томорқаси намунали ташкил этилган оилаларнинг ижобий тажрибалари оммалаштирилади, ушбу хонадонларда ўқув-семинарлар ўтказилади. Ҳудуддаги ижтимоий ҳимояга муҳтож оилаларнинг томорқаларида қишлоқ хўжалиги махсулотларини экиш, иссиқхоналар ташкил этиш бўйича ишлар амалга оширилади.

Давони 2-саҳифада.

Ҳар бир маҳаллада 14-20 ҳамда 21-30 ёшдагилар ўртасида “Мен ўқиган китоб”, “Мақом ансамбллари” ва “Фольклор-этнографик ансамбллар”, “Маҳалламни қуйлайман” шiori остида кўшиқлар танлови ташкил этилади.

“Энг обод кўча”, “Энг обод кўп қаватли уй”, “Энг ораста хонадон” кўрик-танловлари ўтказилади. “Оила муқаддас” шiori остида ҳар бир маҳаллада “Кексалар маслаҳати” гуруҳлари ва “Бувижонлар мактаби” кенгашлари, “Оқила аёллар” ҳаракати, Аёллар маслаҳат кенгашлари аъзолари жалб этилган ҳолда ажралиш ёқасида оилалар яраштирилади.

ЖАРАЁН

Тошкент маҳаллалари ҳудудларга намуна бўлади

Ўзбекистоннинг илк остонаси, бу — Тошкент шаҳри. Мамлакатимизга таширф буюрган сайёҳларнинг кўзи, энг аввало, пойтахтга, унинг маҳаллаларидаги ўзгаришларга тушади. Шу маънода Тошкент шаҳри маҳаллалари намунали бўлиши, керак бўлса, бошқа ҳудудлар учун андоза бўла оlishи зарур.

Тошкент шаҳри ҳокими Шавкат Умрзоқов раҳбарлигидаги ишчи гуруҳлар пойтахт туманларида бўлиб, маҳалла ва кўчаларнинг шароити, ҳудудларнинг фойдаланиш қувватини ўрганмоқда. Бектемир туманидаги “Олтинтопган”, Миробод туманидаги “Янги Қўйлик”, Яшнобод туманидаги “Жарбоши” ва “Боғбон” ҳамда Мирзо Улуғбек туманидаги “Алишер-обод” маҳаллаларидаги ҳолат ўрганилиб, маҳаллалар инфратузилмаси, уларнинг

қиёфасини ягона стандартга келтириш, аҳолини режа ва ўзгаришлардан хабардор қилиш учун шаффоф мониторинг тизимини яратиш зарурати борлиги ойдинлашди. Ҳар бир маҳаллада жалб қилувчи нукталар, озик-овқатлар ва сут махсулотлари бозорчаси, болалар учун ўйингоҳлар, оталар чойхонаси, воркаут майдончаси, соғлом турмуш тарзи учун велойўлаклар ва югуриш йўлаклари каби қулайликлар яратилади.



Тошкентдаги маҳалла ва кўчаларни ободонлаштиришда Сидней шаҳри тажрибасидан фойдаланилади.

Давони 2-саҳифада.

ИШЧИ ГУРУҲ

Одамлар маҳалла кўмагини ҳис этиб яшашти

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Қаҳрамон Куронбоев раҳбарлигидаги Республика ишчи гуруҳи Самарқанд вилоятида ўрганши ишларини олиб бормоқда.

Маҳаллаларда аҳоли муаммоларини ўрганиш ва ҳал этиш, бандликни таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, маънавият ва маърифат, ёшлар тарбияси каби йўналишларда олиб борилаётган сайёҳаракатлар ишчи гуруҳининг эътибор марказида бўлмоқда. Қолаверса, “Сайхун-обод тажрибаси” асосида аҳолининг томорқадан фойдаланиш маданиятини ошириш, ёшларга ер майдони ажратиб бериш масалалари кўздан кечириляпти.



Давони 2-саҳифада.

МАЪЛУМОТ

Камбағаллик чегараси — 648 минг сўм!

Статистика агентлиги “Аҳолининг минимал истеъмол харажатлари қиймати ва камбағаллик чегарасини ҳисоблаш тартиби тўғрисида шизо”га асосан, минимал истеъмол харажатлари қийатини қайта ҳисоблади.

Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 16 апрелдаги “Ёқилги-энергетика соҳасида бозор механизмларини жорий этишнинг қўшимча чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарориди Статистика агентлиги 2024 йил 1 майга қадар ёқилги-энергетика ресурслари нархи ошишини ҳисобга олган ҳолда минимал истеъмол харажатлари қийатини қайта кўриб чиқиш ва эълон қилиши белгиланган.

Статистика агентлиги шунга асосан, минимал истеъмол харажатлари қийатини ҳисоблаб чиқди. Унга кўра, 2024 йил май ойидан ҳисобланган минимал истеъмол харажатлари қийати бир ойда киши бошига 648 минг сўмни ташкил этади (2024 йил январда эълон қилинган қийат 621 минг сўмни ташкил этган).

Давони 2-саҳифада.



Президент ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ учинчи Тошкент халқаро инвестиция форумида иштирок этди.



Кўксарой қароргоҳида Шавкат Мирзиёев раислигида ХОРИЖИЙ ИНВЕТОРЛАР КЕНГАШИНИНГ иккинчи ялпи мажлиси бўлиб ўтди.



Президент ОЛИМПИАДА ЎЙИНЛАРИГА йўлланма олган футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоасига табрик йўллади.

УЮШМА КУНДАЛИГИ

Уюшма USAID билан ҳамкорликка тайёр

Ўзбекистон маҳаллалари уюшмаси раиси Кахрамон Куронбоев “Chemonics International” компаниясининг Маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ривожлантириш дастури раҳбари Роберт Бодо билан учрашди.



Маълумот учун: “Chemonics International” қишлоқ хўжалиги ва озиқ-овқат хавфсизлиги, демократия ва бошқарув, иқтисодий ўсиш ва савдо, барқарор энергия таъминоти, иқлим ўзариши, рақамли ривожланиш, гендер тенглиги ва ижтимоий инклюзия, барқарор шаҳарлар каби соҳаларда таъқиқотлар олиб боради.

Кахрамон Куронбоев меҳмонларга Уюшма амалга ошираётган ишлар ҳақида маълумот берди.

Роберт Бодонинг таъкидлашича, “Chemonics International” АКШ Халқаро тараққиёт агентлиги (USAID) молиявий кўмағида Ўзбекистонда Маҳаллий давлат ҳокимияти органларини ривожлантириш дастури амалга оширилишини бошлаган. Дастур Тараққиёт стратегияси ва “Ўзбекистон – 2030” стратегиясида белгиланган мақсадларга ҳамохангидир.

Давра суҳбатда лойиҳа доирасида маҳалла раисларининг касбий маҳоратини оширишга қаратилган семинар-

ларни ташкил этиш, чет мамлакатлардаги ўзини ўзи бошқариш институтлари фаолиятини ўрганиш, халқаро грант лойиҳаларида иштирок этиш имкониятлари кўриб чиқилди.

Томонлар Ўзбекистоннинг маҳалла ўзини ўзи бошқарув моделини такомиллаштиришга доир Ўзбекистон ва АКШ ҳамкорлигидаги истиқболли лойиҳаларни ўз ичига олувчи, уларни амалга оширишга доир икки томонлама манфаатларни ўзида акс этган меморандумни имзолашга келишиб олди.

Ягона электрон платформа жорий қилинади

Ўзбекистон маҳаллалар уюшмасида фуқаролар йиғинлари фаолиятини рақамлаштириш бўйича амалга оширилаётган ишлар юзасидан штаб йиғинини бўлиб ўтди.

Қайд этиш керакки, Президентнинг тегишли қарори билан тасдиқланган “Йўл харитаси”га асосан, тарқоқ платформалар ўрнига Маҳалланин ягона платформаси жорий қилинади. Хужжатларни қоғоз шаклида юритиш талаби бекор қилиниб, кредит ва субсидия ажратиш жараёнлари рақамли шаклга ўтказилади. “Маҳалла баланси” ягона электрон платформаси ишга туширилади.

Штаб йиғилишида бу борада

олиб борилаётган ишлар таҳлил қилинди. Адлия вазирлиги, Иқтисодийёт ва молия вазирлиги, Давлат солиқ қўмитаси, Кадастр агентлиги, Давлат активларини бошқариш агентлиги масъулари айна йўналишдаги ишларнинг бориши бўйича ахборот берди. “Маҳалла бюджет”ни шакллантириш, маҳалла идоралари орқали кўрсатиладиган давлат хизматлари, аукцион савдолари, биноларни ижарага бериш масалалари муҳокама қилинди.

ИШЧИ ГУРУХ

Одамлар маҳалла кўмагини ҳис этиб яшашти

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



Дастлаб Ёшлар марказида ташкил этилган штаб йиғилишида вилоятда ўрганилиши лозим бўлган масалалар муҳокама этилди ва режалар белгилаб олинди. “Маҳалла еттилиги” имкониятларидан фойдаланиш, уларни аҳоли муаммоларини ҳал этишга сафарбар этиш, ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолмаслиги лозимлиги таъкидланди.

Кахрамон Куронбоев Булунғур туманидаги “Гулобод” маҳалласида бўлиб, аҳоли томоқларидан самарали фойдаланиш, муаммоларни ўрганиш ва ҳал этиш, бандликни таъминлаш, оилаларни мустаҳкамлаш, маънавият ва маърифат, ёшлар тарбияси каби йўналишларда олиб борилаётган ишлар ҳолатини ўрганди. Маҳаллада амалга оширилаётган ташаббуслар кўздан кечирилди.

Уюшма масъуларидаги иборат ишчи гуруҳ Оқдарё туманида бўлиб, аҳолини қийнаб келаятган муаммолар, уларнинг бандлигини таъминлаш ҳамда миграция масалалари бўйича ўрганишлар олиб борди. Ўрганишлар давомида аниқланган камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрилиб, масъулларга топшириқлар берилди.

Республика ишчи гуруҳи Иштихон туманида сайёр қабул ўтказди. Унда одамлар ўзларини қийнаётган масалалар бўйича тегишли ташкилотлар масъулари, сектор раҳбарларига мурожаат қилди. Аксарият масалалар шу ернинг ўзида ечим топди. Шунингдек, шу ерда Уюшма раиси ёшлар, шоирлар ва санъат ходимлари билан учрашди.

Пайарик туманидаги ўрганишларда “маҳалла еттилиги” фаолияти, инфратузилmani яхшилаш ҳамда ишсизликни бартараф этиш масалалари ўрганилди.



Маънавият маҳалладан бошланяпти, ёронлар!

ЖАРАЁН

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Ёшлар ўртасида “Менинг маҳалламда жиноят содир бўлмаслиги керак”, “Тинчлик ва осойишталикни таъминлашда ёшлар масъулияти” мавзуларида учрашувлар ўтказилиб, раисларнинг жазо ижро этиш муассасаларида жазо муддатини ўтаётган маҳаллодашларининг ҳолидан хабар олиш тadbирлари ташкил этилади.

ТОШКЕНТ ШАҲРИ. Шайхонтоҳур туманидаги “Янги Камолон” ҳамда “Гулобод” маҳаллаларида ойлик доирасида мингга яқин бадий адабиётлар жамланган янги кутубхоналар очилгани маҳалла аҳли учун катта совға бўлди. Файзли манзилларда 7 ёшдан 70 ёшгача барча китобхоналарга шу ернинг ўзида адабиётлардан фойдаланиш имконияти яратилган. Келгусида китоб фонди доимий равишда бойитиб борилади.

ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ. Ойлик доирасида Нукус шаҳридаги “Елабод” маҳалласида “Ўзбекистон – умумий уйимиз” шиори остида маданий-маърифий тadbир ташкил этилди. Унда масъул ташкилотлар вакиллари билан бирга, миллий маданий марказлар, хунармандлар, таниқли адиб ва шоирлар иштирок этди. Турли миллат вакилларининг хунармандчилик маҳсулотлари, куй-қўшиқлар маҳалла аҳлига кўтаринки руҳ бағишланди.

БУХОРО ВИЛОЯТИ. Жондор туманидаги “Ушот” маҳалласида “Ободлик кўнгиладан бошланади” мавзусида байрам тadbiri уюштирилди. Унда ҳудуддаги бунёдкорлик ишларига ўзининг салмоқли ҳиссасини қўшиб келаятган юртдошларимизнинг меҳнатлари эътироф этилиб, ташаккурномалар топширилди. Туман маданият уйи ҳамда Болалар музика ва санъат мактаби ўқувчилари тайёрлаган концерт дастури барчага хуш кайфият улашди.

МАЪЛУМОТ

КАМБАҒАЛЛИК ЧЕГАРАСИ – 648 МИНГ СЎМ!

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.



Жаҳон тажрибасида минимал истеъмол харажатлари кўрсаткичидан камбағаллик чегараси сифатида фойдаланиш кенг тарқалган бўлиб, мазкур кўрсаткичдан:

- давлатнинг моддий ва бошқа ижтимоий кўмақларига муҳтож аҳолининг кўмақсизлиги (target) гуруҳини аниқлаш;
- камбағалликка қарши курашиш стратегияси ва дастурларида белгиланган вазифа ва чора-тадбирларнинг натижадорлиги ҳамда манзиллигини ошириш, шунингдек, уларнинг доимий мониторингини юритиш;
- пенсия ва нафақаларнинг энг кам миқдорини белгилаш, шунингдек, камбағал оилаларга бериладиган бошқа турдаги моддий кўмақларни кўрсатишда мезон сифатида фойдаланилади.

Ҳақли савол туғилади: минимал истеъмол харажатлари қиймати ўзгарган бўлса, мисол учун, бу нафақа ва моддий ёрдамга қандай таъсир кўрсатади? Айтиш керакки, болалар нафақаси ва моддий ёрдамни олиш олдингига қараганда нисбатан осонлашди. Бу нима дегани?

Хукуматнинг тегишли қарори билан тасдиқланган “Кам таъминланган оилаларни «Ижтимоий ҳимоя ягона реестри» ахборот тизими орқали аниқлаш, уларга кам таъминланган оилалар болалари учун нафақа ва моддий ёрдам тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида” ти Низомга асосан, оилага болалар нафақаси ёки моддий ёрдам тайинланиши учун 2022 йилдан бошлаб – оиланин ҳар бир аъзосига жами бир ойлик ўртача даромад минимал истеъмол харажатлари миқдоридан ошмаганда **кам таъминланган** деб эътироф этилиши мумкинлиги кўрсатилган.

Бу дегани энди Сиз болалар нафақаси ёки моддий ёрдам пулини олиш учун ариза берсангиз, Сизнинг ҳар ойлик жами даромадингиз киши бошига бўлинганда мана шу 648 миңг сўмдан ошмасе бўлди. *Масалан, оила аъзоларининг сони 4 нафар дейлик. 648 000 x 4 = 2 592 000 сўм. Демак, оила аъзолари сони 4 нафар бўлган оиланин оилавий даромади 2 592 000 сўмдан ортқ бўлса, болалар нафақаси ёки моддий ёрдамга ариза топширишининг фойдаси йўқ. Агар ортқ бўлмаса, қарорнинг бошқа талабларини инобатга олган ҳолда топшириб қурса бўлади.*

Тошкент маҳаллалари ҳудудларга намуна бўлади

Давоми. Бошланиши 1-саҳифада.

Санжар ИСМАТОВ.

Ижтимоий ҳимояга муҳтож аҳолига тизимли ёрдам ташкил қилиниб, ишсизлар бандлиги таъминланади. Аҳолини тadbиркорликка кенг жалб этишда банклар маҳалла вакилларига кўмаклашади. Бундан ташқари, ҳудудда истиқомат қилаётган аҳоли сони ва рўйхатдан ўтгани назоратга олинади. Ҳар бир маҳаллада жамоатчилик асосида кўнабоши, уйбоши, йўлакбошилар жалб қилиниб, ишини самарали ташкил қилганларни рағбатлантиришда КРП тизими жорий қилинади. Маҳаллаларда мавжуд ноқонуний қурилмалар бартараф этилиб, улар аҳоли учун фойдали, самарали масканларга айлантирилади, кузатув камераларини ўрнатиш орқали ҳудудларда хавфсизлик даражаси оширилади.



БУНЁДКОРЛИК

Тошкентдаги маҳалла ва кўчаларни ободонлаштириш ишлари Австралиянинг Сидней шаҳри тажрибасидан келиб чиққан ҳолда, ягона меъёрлар бўйича амалга оширилиши режалаштирилган.

режалаштирилган. Шунингдек, 6 та уйнинг том ва фасад қисми таъмирланади, кўшимча чиқинди йиғиш пункти қурилади, 6000 кв. метр майдон кўккаламзорлаштирилади. Маҳаллаларни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга 15,8 миллиард сўм сарфланади.

Тошкент шаҳри маҳаллаларида белгиланган чора-тадбирлар, муддатлар ва миқдорлар кўрсатилган бош режа ишлаб чиқилган. Ўз навбатида, маҳалла раислари аҳоли ободонлаштириш режалари билан танишиши ва унинг ижроси устидан жамоатчилик назоратини ўрнатиши учун ушбу режаларни ўз маҳаллаларига жойлаштириши керак.

Маҳаллаларда оқсоқоллар учун айвонлар ва бошқа иншоотларни лойиҳалаш ҳамда қуришда дабдабага йўл қўйилмайди. Бунда нарх ҳисобга олиниб, юқори сифатли ҳамда тўғри маҳсулотлар танланади. Агар дизайнни янада жозибали қилиш мақсад қилинса, маҳалла ҳомийларни жалб қилиши мумкин. Ҳокимлик бундай масканлар учун бир хил сумма ажратади: бир маҳаллада 10 сўмдан, бошқасида 25 сўмдан қурилишига йўл қўйилмайди.

Умуман олганда, пойтахтдаги 585 та маҳалланин қиёфаси замонавий ҳолатга келтирилади, аҳолига қулай яшаш шароити яратилади. Жамоатчилик назоратини ўрнатиш орқали ноқонуний қурилишларнинг олди қилинади.

сатмалар ҳамда талаблар, инфратузилма (шу жумладан, кўча ёриткичлари, мебеллар, ободонлаштириш, кўча санъати), жамоат жойлари ҳамда қурилиш ишлари учун материаллар рўйхати келтирилган. Шу асосда пойтахтнинг барча маҳаллаларида қўлланадиган нормалар ишлаб чиқилади.

Авваллари ободонлаштириш 2-4 та уйдаги муаммоларни бартараф этишни аниқлаш, ҳолати. Энди бу ёндашувдан узоқлашлади. Хусусан, аҳоли сонидан келиб чиқиб, уй атрофида қанча ўриндик, нечта ўйин майдончаси бўлиши,

улар қаерда қурилиши лозим ва ҳоказо саволларга жавоб топилади.

Буни Юнусобод туманидаги “Ақбаробод” маҳалласи мисолида кўриб чиқсак, ҳудуддаги 21 та кўп қаватли уйда 3 248 нафар аҳоли истиқомат қилади. 2024 йилда бу ерда 9,5 миллиард сўмлик ишлар амалга оширилиши режалаштирилган. Жумладан, 5000 кв. метр ички йўллар асфальтланади, маҳалла ичида 600 метр пиёдалар йўлига ётқизиш, болалар ва спорт майдончалари, дам олиш масканлари, кексалар учун дам олиш маскани ва хиёбон қуриш



Президент фармони билан энг кам пенсия ва нафақалар миқдори 648 МИНГ СЎМга тенглаштирилди.



“МАҲАЛЛА ЕТТИЛИГИ” тавсияси билан муҳтож шахсларга уй таъмири учун 120 миллион сўмгача ипотека кредити ажратилади.



Эндиликда уй-жой олиш учун субсидияга аризалар 15 МАЙДАН 1 НОЯБРГАЧА қабул қилинади.

Хорижда ким бор, ким йўқ, энди рўйхатда бўлади

Президентнинг “Меҳнат миграцияси жараёндарини такомиллаштириш ҳамда хорижда вақтинча меҳнат фаолиятини амалга ошираётган шахсларни қўллаб-қувватлашга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги фармонида кўра, хорижда вақтинча ишлаш нотада бўлган юрtdонларимизни чет давлатларга ташкилий ҳамда хавфсиз юбориш бўйича аниқ механизм яратилган.

Шерзод ОТАЖОНОВ, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг бўлим бошлиғи.

Фармон асосида 2025 йил 1 июлга қадар Ўзбекистондан ташқарига чиқувчи ва давлат ҳудудига кириб келувчи шахсларнинг аниқ ҳисобини юритиш имконини берувчи ягона идоралараро ва тўлиқ интеграция қилинган электрон маълумотлар базасини, меҳнат мигрантлари учун

бўлиб турган мамлакатлари ва у ердаги бўш иш ўринлари тўғрисида маълумотларни жойлаштириш, ватандошлар билан онлайн мулоқот қилиш ва пул ўтказмаларини амалга ошириш, қийин ҳаётий вазиятга тушиб қолганларга ёрдам кўрсатувчи ташкилотлар билан боғланиш имконини берувчи мобил илова яратиш кўзда тутилган. Айтиш керакки, Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг «Онлайн маҳалла» электрон платформасида «Рейнтеграция» модули ишлаб турибди. Ҳар бир маҳалладаги «маҳалла еттилиги» меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларни хатловдан ўтказиш ва натижаларини «Рейнтеграция» модулига киритиш амалиётини йўлга қўйган. Меҳнат миграциясидан қайтиб келган шахсларга реинтеграция ёрдами кўрсатилиши ва уларнинг расмий бандлиги таъминланиши ҳоким ёрдамчилари фаолиятининг асосий самарадорлик кўрсаткичларидан (КРП) бири этиб белгиланган. “Хорижда иш” меҳнат миграцияси электрон дастурий мажмуаси «Онлайн маҳалла» электрон платформаси билан интеграция қилинган бўлиб, ҳоким ёрдамчиларига «Онлайн маҳалла» электрон платформаси орқали миллий вакансиялар базасидаги ва хорижий иш берувчилардан мавжуд бўлган бўш иш ўринлари ҳамда ушбу иш ўринларига қўйилган талаблар тўғрисидаги

маълумотларни реал вақт режимида электрон тарзда олиш имконияти яратилган. Бундан ташқари, улар хорижга норасмий кетган фуқаролар сўровномасини тўлдириб бориши керак. Йўриқномага кўра, икки турдаги интеграция йўлга қўйилган. Биринчиси, фуқароларни меҳнат миграциясига чиқариш ҳақидаги маълумот бўлса, иккинчиси, миграциядан қайтиб келганларнинг бандлик ҳолати бўйича хатлов ўтказиш орқали амалга оширилади. Мазкур йўналишга қўшимча тарзда аҳоли бандлиги кўмаклашиш модули яратилган. Унга фуқароларнинг 2024 йилнинг бошидан ҳоким ёрдамчиси хатлов ўтказётган кунга қадар хорижга норасмий кетганлар маълумоти киритилади. Яъни хорижга ишлашга кетган, аммо маълумоти Ташқи меҳнат миграцияси агентлигида мавжуд бўлмаган фуқаролар рўйхати ҳоким ёрдамчиси иштирокида шакллантирилади. Яъни, хорижга мустақил равишда ишлаш учун кетмоқчи бўлган ҳамда кетган фуқароларнинг маълумотларини жамлаб, платформага киритиш орқали уларни расмий меҳнат миграциясидаги фуқарога айлантирилади. Ўз навбатида рўйхатга олинганлар ва уларнинг оила аъзолари давлатдан турли ёрдамлар олиши белгиланган. Ҳоким ёрдамчиларини баҳолашда платформани тўлдирishi ҳолати инобатга олинади.



Маҳаллабай ишлаш ва тадбиркорликни ривожлантириш агентлигининг «Онлайн маҳалла» электрон платформасида «Рейнтеграция» модули ишлаб турибди.

Кечаги мигрант бугун етакчи тадбиркор

Топганида барака, уйқусида хотиржамлик, оиласида осойишталик бор

Маҳалламизда 4 455 нафар аҳоли яшайди. 2023 йилда хатлов натижасига кўра, 47 нафар ишсиз фуқаро аниқланган эди.

Жамшид Жўраев, Китоб туманидаги “Денов” маҳалласи ҳоким ёрдамчиси.

Бугунги кун ҳолатига келиб, уларнинг 30 нафари ўз иш жойига эга бўлди. Маҳалланинг асосий “драйвери” — деҳқончилик, боғдорчилик. Асаларичилик, иссиқхона йўналишида банд бўлганлар сони ортиб бормоқда. Ҳоким ёрдамчиси лавозимига тайинланганимдан сўнг дастлаб ҳудуд муаммолари, режаларни белгилаб олдим. Ҳар бир хонадонга кирар эканман, аниқ муаммолар билан юзлашдим. Ишсизлик даражаси ўрганилганда, бунинг сабаби сифатида маҳалладаги хотин-қизларнинг ҳеч қандай билим-кўникмага эга эмаслиги ойдинлашди. Аёлларга бепул касб-хунарга ўқиш имконияти борлигини, уйдан чиқмай даромадга эга бўлиши мумкинлигини тушунтирдим. Иил бошида 24 нафар аёл тикувчилик йўналиши бўйича касб-хунарга ўқитилиб, 7 нафарига субсидия асосида тикув машинаси берилди. Шу тарзда тикувчилик ишини бошлаб юборганлардан бири Юлдуз Тошева ҳозир шу касб ортдан йилига 30-40 миллион сўм даромад топтоқда. Бундан ташқари, миграциядаги маҳалладошларнинг Ватанга

қайтишига эришяпмиз. Кун кеча яқинларидан йироқда пул топган йигитлар бугун маҳалланинг олд тадбиркорига айланмоқда. Топганида барака, уйқусида хотиржамлик, оиласида осойишталик бор. Дилшод Усмонов ана шундай тақдирларга эришди мисол. Яқингача Ватандан, оиласидан олисда меҳнат қиларди. Унга субсидия асосида 1 сотихли иссиқхона куриб берилди. Иссиқхонада турли сабзавот маҳсулотлари етиштириб, йилига 50 миллион сўм фойда кўрмоқда. Яна бир маҳалладошимиз Элбек Усмонов ишсизлар рўйхатида турарди. Унга имтиёзли кредит асосида 3 сотихли иссиқхона куриши учун кўмаклашилди. Ҳозирда бу йигит 100 миллион сўм даромад топтоқда. Қолаверса, иссиқхонада ўзи билан бирга онаси Малика Зоидова доимий ишга эга бўлди. “Аёллар дафтари”да рўйхатда турган Норбиби Қосимовага субсидия ҳисобидан иссиқхона куриб берилган. Бу орқали ўғли Лочинбек Мухторовнинг бандлиги таъминланди. Иссиқхонада лимон экиб, остида кулупнай ҳамда пиёз етиштириб, йилига 60 миллион сўм фойда кўрмоқда.

Алоҳида қайд этиш керакки, шу кунгача уйда норасмий тарзда тадбиркорлик билан шуғулланиб келаётганлар кўп эди. “Эшигимни солиқ ходимлари тақиллатиб келмасмикан”, деган ҳадик билан яшарди. Уларга ўзини ўзи банд қилиш орқали рўйхатдан ўтиб, кўркмасдан фаолиятини йўлга қўйиш мумкинлиги, бунда ўзини ўзи банд қилган аҳоли топаётган даромаддан солиқ тўламаслигини тушунтирдим. Натижада 2023 йилда



Ишсизлик даражаси ўрганилганда, бунинг сабаби сифатида маҳалладаги хотин-қизларнинг ҳеч қандай билим-кўникмага эга эмаслиги ойдинлашди.



ТАЖРИБА



Аёлларга бепул касб-хунарга ўқиш имконияти борлигини, уйдан чиқмай даромадга эга бўлиши мумкинлигини тушунтирдим.

228 нафар фуқаро ўзини ўзи банд қилди. Шунингдек, 42 нафар талабгорга оилавий тадбиркорлик дастури асосида имтиёзли кредит ажратдик. 11 та чорвачилик, 13 та тикувчилик, 2 та асаларичилик йўналишида янги тадбиркорлик субъекти иш бошлади. Тажрибамдан келиб чиқиб, камбағалликнинг асосий сабаби — ҳаракатсизлик, дангасалик экан. Афсуски, ёрдам

берсангиз, “давлат менга кўмаклашишга мажбур”, деган фикр шаклланиб қолган инсонлар йўқ эмас. Аввало, бундай фуқаролар фикрини ўзгартиришга интилдим. “Камбағалга доим ёрдам бериш керак”, деган тушунчани дангасалик, боқиманда одамлар онгидан чиқардим. Шукрки, маҳалламиздаги аксарият одамлар ҳаракат қилса, интилса, ҳаёти фаровон бўлишига ишониб бормоқда.

ТОМОРҚА МАКТАБИ

Заҳарланган дарахтларни қандай даволаш керак?



Дарахтларнинг заҳарланган тикланшига ёрдам берадиган усуллардан бири — шакарли сув билан сугориш. Бу ўсимлик ёқни дарахтлар учун куч беради ва ушбу озиклантиради.

Азизахон САЙФИДДИНОВА, Ўзбекистон фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқаер эгалари кенгаши мутахассиси.

Жараёнда 10 литр сувга 70 грамм шакарни аралаштириб, дарахт остига сугориш учун қуйилади. Сув ширин бўлиб кетиши мумкин эмас, акс ҳолда фойдали бактерия ва озуқа моддалари ўлиши мумкин. Катта дарахтлар учун мавсумга қараб, ҳар ойда эни 60-80 см., пастилки 10-15 см. бўлган чуқур ҳосил қилиб, унга шакарли сувни қуйиш керак. Юқори азотли ўғитлардан фойдаланилса ҳам

дарахтлар заҳарланади. Ердаги азотнинг юқори даражаси дарахтни кўп барг ҳосил қилишга ундайди. Дарахт заифлашгани сабабли, баргларидаги фаоллик уни зўриқтириб, ўлдирди. Шунинг учун табиий бегона ўтларга асосланган ўғитлар билан тўйинтириш керак. Ҳаддан ташқари сугориш муаммо туғдиради. Агар дарахт жуда иссиқ жойда бўлса, уни кўп сув бериш билан эмас, соя ҳосил қилиш ёрдамида сақлаш керак.

ХУРМО МЕВАСИ НИМА УЧУН ПИШМАЙ ТЎКИЛАДИ?

Хурмо мевасининг тўкилиши ўсиш даври давомида бир неча марта рўй бериши мумкин. Биринчи тўкилиш гул барглари тўкилгандан кейин бошланади, 2-3 ҳафта давом этади. Гуллардан кейин юз берадиган бу мева тўкилиши дарахтдаги ҳосил миқдорини меъёрга келтиради. Чангланиш ва уруф шаклланиши амалга ошмаслиги мева тўкилишига хисса қўиши мумкин. Иккинчи мева тўкилиши июнь ойида содир бўлади. Изланишлар натижаси шуни кўрсатмоқда-

ки, бу даврдаги тўкилишга куёш нурунинг дарахт ичига яхши тушмаслиги ва кучли вегетацион ўсиш сабаб бўлиши мумкин. Ёзда дарахтга солинадиган ўғит таркибида катта миқдорда сўриладиган азот бўлмаслиги керак, чунки бу дарахтни кучли вегетацион ўсишга ундайди. Мевалар июль-август ойида ҳам тўкилади. Аммо бу аввалги икки ҳолатдаги каби доимий бўлмайди. Мева тўкилиш миқдори навад навага фарқ қилади. Яна ҳар йили тўкилавермайди. Умумий қилиб айтганда, бунга чангланиш, вегетацион ўсиш, куёш нари етишмаслиги, касалликлар, илдиз фаолияти, тупроқ хусусияти ва ўтган мавсумда кўп ҳосил бергани сабаб бўлиши мумкин. Зарар чангланиш орқали камайирилса-да, қўшимча чора сифатида ёруғлик кириши учун сифатли кесиш, меъёрий ўғитлашни амалга ошириш керак. Агар мева ҳаддан зиёд тўкилса, дарахт танақдан эни 4 мм. кенгликдаги пўстлоқ қатламни айланасига йўлакча қилиб кесиб олиб ташланади. Бу жараён “халқалаш” деб аталади. Одатда уни дарахт гуллаш даврида бажарилади. Бу гулланиш ва мева туғиши жадаллаштиради.



Ўзбекистонда "ВЕНЧУР ИНВЕСТИЦИЯЛАР ТЎҒРИСИДА"ги янги қонун ишлаб чиқилади.



Ўзбекистон – Қозоғистон – Озарбайжон энергетика тизимларини ЎЗАРО БОҒЛАШ лойиҳаси муҳокама қилинди.



Андижон вилоятининг Андижон, Марҳамат ва Булоқбоши туманларига ЯНГИ ҲОКИМЛАР тайинланди.

Илк бор ёшлар етакчилари рейтинг тузилди

Маҳаллаларда йўлга қўйилган янги тизим асосида ёшлар етакчилари институтни жорий қилиш, уларга зарур шарт-шароит яратилди. Ўш билан ва кўшкмасини ошириш ҳамда касбий ўсишни таъминлаш мақсадида Президент ҳузуридаги Давлат хизматини ривожлантириш агентлиги Давлат бошқаруви академияси билан ҳамкорликда 200 нафардан ортиқ ёшларнинг етакчиларни Салоҳият кадрлар резервга киритди.



Мумтозбек МЕЛИҚУЗИЕВ, Ёшлар ишлари агентлиги бош мутахассиси.

Улар орасидан алоҳиятли ва иқтидорлиларини ажратиб олиш, раҳбарликка тайёрлаш ва кадрлар захирасига киритиш мақсадида 100 нафари саралаб олинди. Бугунги кунда 173 нафар ёшлар етакчилари давлат мукофоти, 86 нафари халқаро сертификат эгаси ҳисобланади. Шунингдек, жорий йилнинг 1-чораги давомида улар орасидан 168 нафари турли даражадаги юқори лавозимда иш бошлади. Агентлик ташаббуси билан илк бор эълон қилинган "ТОП-100" рейтингини айна ишлар давоми бўлиб, ёшлар етакчилари фаолиятини янада такомиллаштириш, улар ўртасида

соғлом рақобат муҳитини шакллантиришни мақсад қилган. Эълон қилинган рейтингдан 2024 йилнинг 1-чораги давомида маҳаллада ёшлар сиёсатини самарали амалга оширишда юқори натижадорликка эришаётган етакчилар жой олди. Мазкур рейтинг натижаси Президентнинг "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ҳамда "Маҳалла институтининг жамиятдаги ролини тубдан ошириш ва унинг аҳоли муаммоларини ҳал этишда биринчи бўлин сифатида ишлашни таъминлашга қаратилган чора-тад-

бирлар тўғрисида"ги фармонида белгиланган вазифаларни ижроси асосида белгиланган. Талабдорлар бир қатор мезонлар бўйича саралаб олинди. Жумладан, маҳалласида бугунги кунга қадар умуман жиноят бўлмагани, ёшлар бандлигини таъминлаш ҳолати, миграциядаги натижадорлиги, буш вақтни мазмунли ташкил этиш, хусусан, "Беш ташаббус олимпиадаси"га қамров даражаси инобатга олинди. Бундан ташқари, ёшлар орасида китобхонликни ҳамда хорижий тилларни ўрганишни кенг тарғиб қилган, шу йўналишда барча етакчиларга ўрнак бўладиганлар

сараланди. Ўз навбатида рейтингга кирган етакчилар қандай имтиёзга эга бўлади, деган савол туғилади. "Маҳаллаларда ёшлар билан ишлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори асосида 100 нафар энг яхшилар сафидан жой олганлар бир ойлик иш ҳақиға тенг миқдорда бир марталик пул мукофоти билан тақдирланади. Дастлабки "ТОП-100" рейтингига барча ҳудудлардан ёшлар етакчилари киритилди. Бу уларга мотивация бўлмоқда. Ушбу рейтинг натижаси ҳар чоракда янгилаб борилади.

ТАЖРИБА

Аввал намуна бўлинг, кейин натижа кузатинг

Маҳалламиздаги 5 086 нафар аҳолининг аксарияти — 1 050 нафарни ёшлар. Шу бонс уларнинг касб ўрганиши ва даромадли иш билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратяёмиз. Қолаверса, ижтимоий ҳимояга муҳтож, турмуш шароити оғир, кам таъминланган оғиларнинг фарзандлари, чин етим ва ногиронлиги бўлган ёшларга маънавий кўмаклашмоқда.

Абдумўмин МУСАЖОНОВ, Тошлоқ туманидаги "Юқори қишлоқ" маҳалласи ёшлар етакчиси.

2023 йилдаги хатлов натижасига кўра, 2 нафар боқувчисини йўқотган ёшларнинг уй-жойини 45 миллион сўм маблағ эвазига тўлиқ таъмирлаб бердик. Ишсиз сифатида рўйхатга олинган 5 нафар ёшга субсидия асосида меҳнат қуроллари олишга кўмаклашилди. Натижада улар доимий даромад манбаига эга бўлди. Бундан ташқари, тиббий ёрдамга муҳтож 9 нафар ногиронлиги бор ёш бепул тиббий кўриқдан ўтказилди, 1 нафар тенгдошимизнинг кўз жарроҳлик амалиёти учун зарур маблағи тўлаб берилди. 3 нафар талабанинг тўлов шартномаси, 1 нафар ёшнинг замонавий касб эгаллаш учун ўқиб харажати тўлиқ қопланди. Қолаверса, 44 нафар битирувчи ёшнинг бандлиги таъминланди, 3 нафар ёшга имтиёзли кредит асосида иссиқхона қурилди. Жаҳонгир Абдусаматовга 24 миллион сўм имтиёзли кредит ажратилиб, 3,5 сотихли иссиқхона барпо этилди. Бугун Жаҳонгир иссиқхонада бўлғор қалампирни етиштириб, 15-20 миллион сўм даромад топмоқда. Шу билан бирга миграциядан қайтган 2 нафар акасини доимий иш билан таъминлаган.

Президентнинг "Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан, 6 нафар ёшга 30 йил фойдаланишга ер майдони ажратилди.

Агар атрофдагиларга маслаҳат берувчи инсон шу йўналишда ўзи намуна бўлса, натижадорлик янада яхшиланади. Шу маънода ўзим хонадонимдаги 10 сотихли томорқада 3 та иссиқхона ташкил этганман. Бу ерда иш-



Ишсиз сифатида рўйхатга олинган 5 нафар ёшга субсидия асосида меҳнат қуроллари олишга кўмаклашилди. Натижада улар доимий даромад манбаига эга бўлди. Бундан ташқари, тиббий ёрдамга муҳтож 9 нафар ногиронлиги бор ёш бепул тиббий кўриқдан ўтказилди, 1 нафар тенгдошимизнинг кўз жарроҳлик амалиёти учун зарур маблағи тўлаб берилди. 3 нафар талабанинг тўлов шартномаси, 1 нафар ёшнинг замонавий касб эгаллаш учун ўқиб харажати тўлиқ қопланди. Қолаверса, 44 нафар битирувчи ёшнинг бандлиги таъминланди, 3 нафар ёшга имтиёзли кредит асосида иссиқхона қурилди.

дан бўш вақтимда қалампир етиштириб, ҳам даромад, ҳам бошқа ёшларга намуна бўляман. Қувонарлиси, бундан руҳланган 3 нафар маҳалла ёшлари ерга меҳр қўйиб, деҳқончилик фаолиятини бошлади.

Ёшлар билан ишлашни янада самарали бўлишига ҳисса қўшувчи тақлифим бор. Жумладан, ҳудудда спорт майдончаси ва замонавий кутубхона қурилса, тенгдошларимнинг бўш вақти мазмунли ўтиб, китобхонлик маданияти ошади. Бу масалада тегишли ташкилотларга мурожаат қилганмиз. Йил якунига тақлифимизга ижобий жавоб берилишидан умидвормиз.



МЕНДА САВОЛ БОР...

Шаҳриёр ТУРДИАЛИЕВ, Бўстон туманидаги "Боғи эрам" маҳалласи:

— Мен Президент қарорига кўра, маҳалла ёшлар етакчиси тавсия асосида ер олдим. Насиб этса, бу ерда йилга 3 марта ҳосил етиштиришни режа қилганман. Бошлаган ишмни янада ривожлантириш учун давлатдан имтиёзли кредит олсам бўладими?

ЕР ОЛГАН ЁШЛАРГА ИМТИЁЗЛИ КРЕДИТ БЕРИЛАДИМИ?

Ойбек ЙЎЛДОШЕВ, Ёшлар ишлари агентлиги Андижон вилояти бошқармаси бошлиғи:

— Дарҳақиқат, юқоридаги қарорга кўра, қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришдан сотишгача бўлган занжирни қамраб олувчи янги тизим бўйича талабдорларга бир қатор қўллаб-қувватлаш чоралари белгиланган.

Шунингдек, Президентнинг 2021 йил 15 декабрдаги «Мева-сабзавотчилик соҳасини давлат томонидан қўллаб-қувватлаш, тармоқда кластер ва кооперация тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қароридан назарда тутилган шартларда ва маблағлар доирасида талабдорларга тижорат банклари 7 йилгача муддатга 100 млн. сўмгача кредит ажратиши кўзда тутилган. Қарор доирасида барча турдаги кредитларни «маҳалла етилиги»нинг кафилиги асосида ажратишга рухсат берилди ҳамда улар кредитларнинг натижадорлиги учун тенг жавобгар бўлади.

Бундан ташқари, талабдорларга мини-техника, уруғ ва кўчат харадига «Ёшлар дафтари» жамғармасидан 5 миллион сўмдан субсидия, Фермер, деҳқон хўжаликлари ва томорқа ер эгаларини қўллаб-қувватлаш жамғармасидан — 33 млн. сўмгача кредит ажратилади.

Жойлардаги 167 та "Агромерказлар" орқали хусусий секторни жалб этган ҳолда уруғ, кўчат етказиш, минерал ўғит бериш, мини-техника ва агроном хизматлари йўлга қўйилади ҳамда етиштирилган маҳсулотни харид қилишга қайта ишловчилар ва экспорт қилувчилар бириктирилади.

ЖАРАЁН

ЁШЛАРГА 15 ГЕКТАР ЕР МАЙДОНИ АЖРАТИЛДИ

Маҳалламизда 375 та хонадон бўлиб, 1 772 нафар аҳоли истиқомат қилади. Шундан 416 нафарни ёшлар. Иыл бошида ўтказилган хатловда "яшил" тонфадаги ёшлар 359 нафар, "сарик" тонфадаги ёшлар 57 нафар, "қизил" тонфадаги ёшлар 5 нафарни ташкил этди.

Жуманазар ИБРОҲИМОВ, Қоровулбозор туманидаги "Жарқоқ" маҳалласи ёшлар етакчиси.

Уларнинг 74 нафари давлат, 98 нафари хусусий секторда банд бўлса, 178 нафари таълим муассасаларида тахсил олади. Бундан ташқари, 10 нафар ёш миграцияда, 7 нафари мудар-

ли ҳарбий хизматда. 49 нафар ёш ишсиз сифатида рўйхатга олинган.

Шу кунгача ишсиз ёшлар орасида деҳқончилик илмига эга, аммо бу илмни қўллашга имконияти йўқлар кўп эди. Ўз ери бўлишини орзу қилган йигит-қизларга Президентнинг жорий йил 5 апрелдаги "Ёшларга ер ажратиш орқали уларнинг даромадларини ошириш ва бандлигини таъминлаш, шунингдек, янги ер майдонларини ўзлаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарори ажойиб имконият яратди. Қарорга кўра, ишсиз, норасмий фаолият юритаётган миграциядан қайтган, миграцияга кетиш истагида бўлган ҳамда кам даромадли 30 нафар ёшларга маҳалла ҳудудига яқин бўлган суғориладиган экин ер майдонидан 50 сотихдан, жами 15 гектар ер майдони ажратилди. Бу ерлар «E-auction» электрон савдо платформаси орқали «маҳалла етилиги»нинг тавсияси билан тақдим этилди.

Этиборлиси, айна кунда барча ер эгалари дастлабки деҳқончилик ишини якунига етказиб, экин экишга тайёргарлик кўряпти. Улардан бири Баҳоуддин Очилов бўлиб, ўзига бириктирилган ерга биринчи экинда қовун уруғи қадамқочи. Бунинг учун "Оби новот" навини Қозоғистондан буюртма қилиб, олиб келтирди. 50 сотих ердан камида 15-20 тонна даромад олишни режалаяпти. Ўзининг таъкидлашича, насиб этса, бу ер майдонидан йилга икки марта ҳосил олиб, ўзи ва оиласининг даромадини оширади.

Яна бир талабдор Умид Шокиров. Хатловда ишсиз сифатида рўйхатга олинган. Унга ҳам шу ўлчамда ер берилди. Ушбу ер майдонидан полиз экинлари етиштириб, оилавий даромадини ошириш учун турмуш ўртоғи билан меҳнат қилмоқда.

Муҳими, ер ажратиш баробарида ёшларга ундан самарали фойдаланиш бўйича билим бериляпти. Чунки деҳқончилик инсондан сабр-тоқат талаб қилади.



30 нафар ёшга маҳалла ҳудудига яқин бўлган суғориладиган экин ер майдонидан 50 сотихдан, жами 15 гектар ер майдони ажратилди.



ЖАҲОН САВДО ТАШКИЛОТИГА аъзо бўлиш доирасида 60 дан ортиқ норматив ҳужжатлар қабул қилинди.



1 майдан ЭНГ КАМ ТАРИФНИ ҚЎЛЛАШ барча кўп қаватли уйлари бошқариш органлари учун мажбурий ҳисобланади.



“Бойсун баҳори” фестивалида ДУНЁДАГИ ЭНГ УЗУН – бўйи 31 метр, эни 5 метр бўлган сўзана намоиш этилади.

Импорт дори 15 фоиз эмас, 45 фоиз қимматга сотилган

Эндиликда солиқ тўловчилар қўшилган қиймат солиғи (КҚС) билан реализация қилинган дорини воситалари ва бошқа тиббий буюмлар учун КҚС суммасини ҳисобга олиши мумкин бўлади.

Даврон ҲОШИМОВ, Солиқ қўмитаси бош инспектори.

Адлия вазирлигида 3242-сон билан рўйхатдан ўтказилган низом талабларига кўра, импорт қилинадиган, шунингдек, маҳаллий ишлаб чиқарувчилардан сотиб олинган дори воситаларини улгуржи ва чакана сотиш уларни етказиб беришда иштирок этувчи воситачилар сонидан қатъи назар, улгуржи савдо учун сотиб олинган қийматидан 15 фоиздан, чакана савдо учун улгуржи нархидан 20 фоиздан ортиқ бўлмаган миқдорларда референт нарх шакллантириш мумкин-



лиги белгиланган.

Маълумот ўрнида: Солиқ қўмитаси аҳоли томонидан энг кўп харид қилинган 24 турдаги дорини воситаларининг ЭҲФ орқали, яъни пул кўчириш йўли билан ҳамда онлайн назорат-касса машиналари (ОНКМ) орқали нақд пулда реализация қилиш нархларининг жорий йилдаги ўзгаришини таҳлил қилиб чиқди.

Масалан, “Терафлю” дори воситаси

январь ойида 57,9 минг сўмдан импорт қилинган бўлиб, апрель ойида ушбу маҳсулот референт нархи(+15%)дан **45% юқори нархда, яъни 78,1 минг сўмдан сотилган** (аслида 57,9+15%=66,7 минг сўмдан сотилиши керак).

Умуман, қўшилган қиймат солиғи маъмурчилиги йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Салбий фарқ суммасини қайтариш тартибини соддалаштирган ҳолда

шаффоф тизим яратилиб, инсофли солиқ тўловчиларга КҚС суммаси ортиқча текширувларсиз қайтарилмоқда.

Ўтган йили тадбиркорлик субъектларига 19,6 трлн. сўмдан ортиқ КҚС қўллаб берилди. 2024 йилнинг биринчи чорагида эса КҚС қўллаш бўйича жами 7 072 та корхона мурожаат қилган бўлиб, уларнинг 2 138 тасининг 5 388,0 млрд. сўм КҚС суммаси тўланди.

ҲОЛАТ

Яратилган шароитлар ва берилган имкониятларга қарамай, айрим КҚС тўловчи корхоналар солиқларни тўлашдан қочиш мақсадида кириш қилинаётган товарлар таннархини асосий ошириб кўрсатиш ёки сотилаётган товарлар нархини бозор нархидан паст нархда сотиш, номуносиб товарлар реализациясини амалга ошириш, устав капитални ошириш каби турли қинғир йўللاردан фойдаланилаётгани кузатилмоқда.

2023 йилда 10 689 та корхонанинг 6,8 трлн. сўм КҚС суммасини қўллаб бериш рад этилган бўлса, жорий йилнинг I чорагида 4 934 та корхонанинг 5,3 трлн. сўмлик мурожаати солиқ ҳисоботларида ва риск даражаси юқори бўлганлиги сабабли рад этилган.

Мисол учун, қурилиш соҳасида фаолият юритувчи “N.M” МЧЖнинг 10,1 млрд. сўм КҚС салбий фарқ суммасини қўллаш юзасидан юборилган аризаси товарнинг етказиб берувчиси шубҳали корхоналар рўйхатига киритилган ва етказилган товарлар унинг кириш ҳужжатларида қайд этилмаганлиги сабабли рад этилган.

Энг асосий талаб, бу – натижадорлик!

СОЛИҚЧИ – КЎМАКЧИ



Алишер ЁҚУБОВ, Тупроққалъа туманидаги “Саидлар”, “Шайхлар” ва “Янги замин” маҳаллалари солиқ инспектори.

Тупроққалъа тумани вилоятнинг энг чекка ҳудуди. 18 та маҳаллага 8 нафар солиқ инспектори бириктирилган. Дастлабки январь-март ойларида 164,5 млн. сўмлик қўшимча манба аниқланди. Жисмоний шахсларнинг турар жой объектлари бўйича 1 031,4 млн. сўм миқдорда мол-мулк ва ер солиқлари ундирилди. 103,1 млн. сўм маҳаллаларнинг ўзига, яъни маҳалла

бюджетига қолдирилди.

“Маҳалла еттичилиги”нинг “маҳаллабай” ишлаши орқали аҳолининг асосий муаммолари маҳалланинг ўзида ҳал бўлмоқда. Биз, солиқчиларнинг асосий вазифамиз, маҳалладаги имкониятларни ишга солиб, солиқ базасини кенгайтириш, тадбиркорлик фаолиятини қонунийлаштириш ҳамда ўзини ўзи банд қилганларга кичик бизнес тоифасига ўтишга кўмаклашидир. Шу боис ҳудуддаги 28 та юридик шахс, 10 та фермер ҳўжалиги, 11 та нодавлат-нотижорат ташкилоти ва 71 та якка тартибдаги тадбиркор, 1 900 та мол-

мулк ҳамда 1 923 та ер солиқ тўловчи жисмоний шахсларга яқиндан кўмаклашиб, зарур маслаҳатлар берамман.

Жорий йилнинг ўтган уч ойида (январь-март) ўзимга бириктирилган маҳаллаларда 11 та ҳолатда фуқароларнинг яширин тадбиркорлик фаолияти билан шуғулланаётганини аниқладим. Афсуски, солиқ савдоҳонлиги етарли бўлмаган ушбу фуқаролар ноқонуний фаолиятнинг оқибатларини билмайди. Шу боис, уларнинг ҳар бири билан юзма-юз суҳбатлашиб, қонуний ишлашнинг афзалликлари, ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини тушунтир-

дим. Натижада 11 нафар фуқаро тадбиркор сифатида давлат рўйхатидан ўтиб, фаолиятини қонунийлаштирди. Фаолиятини тўхтатиб, яширин даромад топаётган 1 та тадбиркор фаолиятини қайта тиклади.

Худди шундай, ўз уйида норасмий даромад топаётган 78 нафар фуқаро билан олиб борилган тушунтиришлар натижасида улар ўзини ўзи банд қилганлик тўғрисида гувоҳнома олиб, фаолиятини расмийлаштиришди. Бунинг натижасида бюджетга қўшимча қарийб 26,5 миллион сўм тушиши таъминланди.

Бундан ташқари, 13 та тадбиркор норасмий ишлаб келаётган 10 нафар ишчисини легаллаштирди. Аслида ушбу тадбиркорлар ишчи ходимлар учун тўланган даромад солиғини қайтариб олиш ҳуқуқи борлигидан, яъни ушбу йўналишда давлатимиз томонидан берилган солиқ енгилликларидан хабардор бўлмаганликлари боис, уларни норасмий ишлаб келаётган бўлган.

“Маҳалла еттичилиги” ҳамкорлигида молиявий қийинчиликка дуч келган бир неча тадбиркорлик субъектларида бўлиб, режаларини ўргандик. Бу ишга туман ҳамда вилоят масъулари эътиборини қаратиб, битта бўш турган объектни қайта ишга туширишга эришдик. Бунинг ҳисобига 11 нафар ходимнинг ижтимоий ҳимояси таъминланди.

Қувонарлиси, ўтган 3 ой якунида ҳам прогноз кўрсаткичларимни, барча солиқ турлари бўйича 100 фоиздан юқори кўрсаткичда бажаришим ҳисобига самарадорлик кўрсаткичим 96,6 баллдан тушгани йўқ. Энг асосийси, иш самарадорлигим юқори бўлгани учун шу ойларида ойлигимдан ташқари, лавозим маошимнинг 100 фоиз миқдорда мукофот пули берилди.

МЕНДА САВОЛ БОР...

Барно ТУРСУНОВА, Қашқадарё вилояти:

– Солиқ мобил иловаси орқали онам учун мол-мулк солиғини тўламоқчиман. Аммо илованинг “Ота-онам солиқларини тўлаш” бўлимида бошқа фуқаро кўрсатилган. Буни қандай қилиб тўғрилаш мумкин?

Иловадаги хатоликни қандай тўғрилаш мумкин?



Даврон ҲОШИМОВ, Солиқ қўмитаси бош инспектори:

– Солиқ органларида мол-мулк ва ер солиғи тўловчиларининг ўзи ҳамда яқин қариндошлари тўғрисидаги маълумотлар Адлия вазирлиги ҳузуридаги Персоналлаштириш агентлигининг “Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестри”дан автоматик шаклланади. “Шахсга доир маълумотлар базаларининг давлат реестри” маълумотлари эса ФХДБ органларининг ахборот базасидан шаклланади.

Солиқ мобил иловаси “Ота-онам солиқларини тўлаш” бўлимида ота-онанинг маълумотларида тафовут аниқланган тақдирда, Персоналлаштириш агентлиги ёки ФХДБ органлари мурожаат қилиш лозим.

Кассадан фойдаланмаслик жаримага сабаб бўлади

Дилдора ҲОШИМОВА, Солиқ қўмитаси ахборот хизмати раҳбари.

Нақд пул тушумига эга бўлган барча тадбиркорлик субъектлари онлайн назорат-касса машиналари (ОНКМ) ёки виртуал кассалардан фойдаланиши шарт.

Тадбиркорлик субъектлари ОНКМ ёки виртуал кассаларнинг нархи, қулайлиги, функционалиги ва бошқа жиҳатларидан келиб чиққан ҳолда эркин танлаш ҳуқуқига эга. Шунингдек, тўлов терминали орқали қабул қилинган тўловлар учун харидорларга тўлов терминали чеки билан бирга, ОНКМ ёки виртуал касса чеки берилиши керак.

Эслатиб ўтамиз, Солиқ қўмитасининг расмий сайтыда онлайн



назорат-касса машиналари, виртуал касса ва Техник хизмат кўрсатиш марказларининг доимий янгилашиб бориладиган реестрла-

ри билан танишингиз мумкин. **Энг муҳими,** ОНКМдан фойдаланмаслик жарима солишига сабаб бўлади.

Харидорга QR-кодли чек берилиши шарт

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Тадбиркорлик субъектлари онлайн назорат-касса машиналари (ОНКМ) ва виртуал кассалардан фойдаланиши ҳамда миқдорларга QR-код ва фискал белгили чек тақдим этишлари шарт. Бундай чеклар харид тўлов терминали орқали ёки нақд пулда амалга оширилишидан қатъи назар харидорга берилади.

Аҳоли билан пулли ҳисоб-китобларни амалга оширишда электрон тўлов ташкилоти ва (ёки) электрон тижорат платформалари (маркетплейс) орқали электрон фискал чек тақдим қилинади. Назорат-касса техникасини қўлламасдан савдони амалга оширганлик ва хизматлар кўрсатганлик, харидорга чек бермасдан товарларни реализация қилганлик ва хизматлар кўрсатганлик солиқ ҳуқуқбузарлиги саналади ва белгиланган тартибда жавобгар-



ликка тортишга асос бўлади.

Сотувчи ва харидор ўртасида товар ёки хизматлар учун харид чеки бермасдан P2P ўтказмалари (бир жисмоний шахснинг картасидан бошқа жисмоний шахснинг

картасига) орқали ҳисоб-китоб қилиш ноқонуний ҳисобланади.

Чек берилмаганлиги учун Солиқ мобил иловасининг “Солиқ ҳамкор” бўлими орқали шикоят йўллаш мумкин.



Йил якунигача аҳолининг ичимлик суви билан таъминланганлик даражаси 77 ФОИЗДАН 81 ФОИЗГА етказилади.



Тошкент шаҳридан Бўстонлик туманига (Чорвоққа) МАВСУМИЙ АВТОБУС қатнови йўлга қўйилди.



ФХДЁ тизимида 60 миллиондан ортиқ қоғоз шаклидаги далолатнома ёзувлари рақамлаштирилди.

Иловалар орқали кредит олишда эҳтиёт бўлинг

Бугунги кунда интернет тармоқларида кам миқдорда фойдаланиш кредитлар таклиф қилаётган фирибгарлар кўп. Агар сиз пулга муҳтож бўлсангиз, уларнинг алдовларига ишонишингиз осон кечади.

Масалан "Facebook" ва "Instagram"даги ленталарда худди шундай эълон кўрдингиз. Кредит олиш учун берилган ҳавола орқали кирдингиз, маълумотларни, масалан, банк карта рақами, паспорт маълумотингизни тўлдирдингиз. Қарабсизки, картангиздаги пуллар тийинигача ечиб олинади. Агар банк картангизда пул бўлмаган тақдирда, қачонки пул тушса ўшанда ўғирланиши мумкин.



"Бу буюм ёки кўчмас мулкка харидор кўп, олдиндан пул ўтказиб беринг", дейди. Сиз пулни ўтказиб берсангиз, ёзишмаларни ўчириб, сизни блоклаб қўяди.

Сизда табиий савол туғилиши мумкин, **улар буни қандай амалга оширади?** Сиз ҳавола орқали кириб, маълумотларингизни тўлдирганингизда уларга банк картангиздан онлайн тарзда фойдаланиш ҳуқуқини кўш-қўллаб топширган бўласиз.

Хўп, кредитлар ҳақида эълонларни ҳақиқий банклар ҳам бериши мумкин-ку, дерсиз. Фикрингиз тўғри, бунинг учун сиз маълумотларни текширишингиз керак.

Эътибор беринг, фирибгарлар эълонларда кредитнинг кам фойзини реклама қилишади. Бу эълон бирор-бир банкнинг сохта саҳифасида бўлиши ҳам мумкин. Шу боис буни текширишингиз керак.

учин ўша банкнинг расмий сайтга кириб, кредитлар фойзини солиштириб, банк колл-марказига телефон қилиб, маълумот олишингиз керак.

"МЕНГА ОВОЗ БЕРИНГ"

Интернет тармоғидаги фирибгарлар ҳақида сўз борар экан, **сохта ҳавола**лар ҳақида гапирмасликнинг иложи йўқ.

Масалан, телеграмда дўстларингиздан келадиган вирус хабарлар ёки яқин танишингиздан "менга овоз беринг", деган хабар келди. Аслида у дўстингиздан эмас, фирибгардан келган хабар бўлади. Сиз бунга ишониб, ҳавола орқали ўтиб, истар-истамас маълумотларингизни киритсангиз, банк картангиздан барча пуллар ечиб олинади.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармасига келиб тушган мурожаатга кўра, ана шундай фирибгарлик орқали номаълум шахслар бир қанча фуқароларнинг банк карталаридаги пулларини ечиб олган. Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ахборот технологиялар соҳасидаги жиноятларга қарши курашиш бошқармаси ходимлари ўтказган тадбирлар натижасида аён бўлдики, 20 ёшли Азиз исми шахс телеграмда фуқароларнинг шахсий маълумотларини ўғирловчи ҳаволаларга кириб, банк карталарига онлайн тарзда фойдаланиш ҳуқуқини кўлга киритган. Жиноятчи кўлга олиниб, Жиноят кодексининг 169-моддаси билан жиноят иши кўзга тилиб, эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олинди.

Хўш мана шундай шахсларга алданмаслик учун нима қилиш керак? Энг аввало, сохта ҳаволалардан эҳтиёт бўлинг. Шахсий маълумотларингизни ҳеч кимга маълум қилманг!

ЭЪЛОН САЙТЛАРИДАГИ ФИРИБГАРЛИКЛАР

Сиз нимадир сотмоқчи бўлиб, сайтларга эълон жойлаштирдирингиз. Сизга алоқага чиққан фирибгар узоқдалигини билдириб, махсулотингизга сиз айтган суммани бериб, сотиб олмоқчи бўлади. Фақат пулни электрон шаклда тўлашни айтади ва ҳавола юборади.

Сизни роса ишонтириб, пулларни ҳавола орқали кириб, картангизга тушириб олишингиз мумкинлигини айтади. Сиз буюмингизни сотганингиздан хурсанд бўлиб, унинг гапига ишонасиз ва ҳаволага кирсангиз, карта маълумотларингизни киритишингизни сўрайди. Ва бор пулингизни ечим олади.

Яна бир ҳолат, нимадир сотиб олмоқчи ёки ижарага олмоқчи бўлганингизда сизни фирибгар шоширади: "Бу буюм ёки кўчмас мулкка харидор кўп, олдиндан пул ўтказиб беринг", дейди. Сиз пулни ўтказиб берсангиз, ёзишмаларни ўчириб, сизни блоклаб қўяди.

Шунинг учун фирибгарлардан эҳтиёт бўлинг. Пул билан боғлиқ ишларни, албатта, юзма-юз кўришиб, амалга оширишни маслаҳат берамиз.

МАХСУС КОДЛАРНИ ЮБОРМАНГ

Яна бир алдов усули ҳақида сизларни оголантириб ўтмоқчимиз. Масалан, сизга ногоҳон кўнғироқ бўлади ва ўзини тўлов тизими ташкилоти ёки банк ходими деб таништирган шахс банк пластик картангизга кибер ҳужум бўлаётганини, унинг олдини олиш учун сизга махсус код юборганини айтади.

Сиздан махсус кодларни унга айтишингизни сўрайди. Шу онда ҳушёр бўлинг, агар кодларни берсангиз, картангиздаги пулларни ечиб олади. Унутманг, кодларни сўрагани, демак у фирибгар. Улар ишонтириш қобилиятига эга бўлишади.

Мана шундай фирибгарларга дуч келсангиз, зудлик билан банк картангизни блок ҳолга келтиринг. "102" рақамига кўнғироқ қилинг.

Тошкент шаҳар Ички ишлар бош бошқармаси Ахборот хизмати маълумотлари асосида тайёрланди.



ПРОФИЛАКТИКА ХУДУДИ



Маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида аҳоли ўртасида мунтазам тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бораемиз. Ўғрилик ва фирибгарликка оид турли қўлланмалар ҳамда ташриф қоғозимни тарқатдим.

Кўчалар ёруғ бўлса, жиноят камаяди

Спиртли ичимликлар дўкони ва тунги клублар фаолиятини ҳам тартибга солиш зарур

Равшан РУСТАМОВ,
Урганч шаҳридаги "Камолот" маҳалласи профилактика инспектори

Тўрт йилдан буён "Камолот" маҳалласининг тинчлиги ва осойишталигига масъулман. Беш мингдан ортиқ аҳоли истиқомат қилаётган маҳалла Урганч шаҳар марказида жойлашган сабаб, ҳудудга келиб-кетувчилар сони кўп. Шу боис ақсарият жиноятчиликлар бошқа ҳудудда яшовчи фуқаролар хиссасига тўғри келмоқда.

Яқинда маҳалла ҳудудидан Урганч халқаро аэропортига ўтувчи автотранспорт йўлида икки ҳайдовчи бир-бири билан йўл таллашиб, жанжаллашиб оқибаотида жиноятчилик қайд этилди. Бунинг натижасида "яшил" тоифадаги маҳалламиз "сарик" тоифага тушиб қолди.

Маҳаллани жиноятчиликдан холи ҳудудга айлантириш мақсадида аҳоли ўртасида мунтазам тарғибот-тушунтириш ишларини олиб бораемиз. Ўғрилик ва фирибгарликка оид турли қўлланмалар ҳамда ташриф қоғозимни тарқатдим. Мактаб ўқувчилари билан учрашувлар ўтказиб, давомати назоратга олинган. Шу вақтгача икки нафар ота-онага фарзанди мунтазам дарс қолдиргани учун маъмурий жавобгарлик белгиланди.

Бугун дунё нотинч. Афсуски, чет элга ишлаш учун кетган баъзи юртдошларимиз йўлдан адашиб, террорчи ташкилотларга қўшилиб кетмоқда. Шу боис узоқ муддатга чет элга ишлаш учун кетган 173 нафар маҳалладошимиз хонадонларида бўлиб, яна бир бор уларнинг қаерда, нима иш билан машғул эканини аниқлаштириб олдик. Хориждан қайтган 30 нафари билан мулоқотда бўлиб, уларга зарур кўмак беряёмиз.

Йиғин ҳудудидан тунги клуб фаолият юритаётгани учун бу ерда ёшлар ўртасида тез-тез майда безорилик бўлиб туради. Фаолиятимиз давомида спиртли ичимликлар истеъмол қилиб, жанжал кўтарадиган, ёшларнинг



ёнида пичоқ олиб юрган ҳолатлар аниқланди. Шу сабаб тунги вақтларда фуқаролар осойишталигини таъминлаш учун кўшимча куч – миллий гвардия ва патруль-пост ходимлари жалб этилмоқда.

Натижада жорий йил ҳисобида 81 нафар шахснинг маъмурий ҳуқуқбузарлик содир қилганини аниқлаб, уларга нисбатан қонуний чора кўрдим. Майда безорилик содир қилган 4 нафар шахс жавобгарликка тортилди. Мунтазам спиртли ичимликлар истеъмол қилиб юрган бир нафар шахс нарколегия диспансерининг мажбурий даволаш бўлимига, 2 нафарини ихтиёрий даволаш бўлимига жойлаштирдик. 3 нафар шахсга маъмурий назорат ўрнатилиши таъминланди. Маҳалла ҳудудидан бемақсад юрган, муайян яшаш жойига эга бўлмаган 1 нафар фуқаро реабилитация марказига ётқизилди.

Албатта, буларнинг барчасида "маҳалла еттилиги"нинг ўз ўрни бор. Шу боис жиноятчиликнинг олдини олишда "маҳалла еттилиги", фоллар, кўча бошилари ҳамда жамоатчилик билан ҳамкорликда ишлаяпман.

Агар тунги вақтларда маҳалладаги кўча чироқлари ёки қўйилса, жиноятчилик янада камайган бўларди. Чунки қоронғу жойда ўғрилик ва жиноятчилик содир бўлиш эҳтимоли юқори. Спиртли ичимликлар дўкони ва тунги клублар фаолиятини ҳам тартибга солиш зарур.

Келгуси режаларимиздан бири, ана шу масалаларни ҳал этиб, 31 та кўчага ўрнатилган 175 та кузатув камераларини хизмат хонамга интеграция қилишдир. Бу ишни охирига етказсак, маҳалла янада осойишта бўлади.

Спам нима ва ундан қандай ҳимояланиш мумкин?

БИЛИБ ҚЎЙИНГ!

Спам – бу фойдаланувчиларнинг рухсатсиз оммавий тарзда юборилган электрон почта хабарлар, "sms" лар, ижтимоий тармоқлардаги хабарлар орқали юборилади. Асосан реклама, фирибгарлик хабарлари, вируслар ва бошқа зарарли дастурларни тарқатиш мақсадида ишлатилади.

Спамнинг кўлами жуда кенг бўлиб, у нафақат ноқулайлик яратади, балки жиддий хавфсизлик муаммоларига олиб келиши мумкин. Шундай экан, спамдан ҳимояланиш учун қуйидаги усуллари қўллаш тавсия этилади:

1. СПАМ ФИЛТРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ.

Кўпгина электрон почта хизматлари спамни аниқлайдиган ва уни автоматик равишда алоҳида папкага ажратиб қўядиган кучли филтрларга эга. Бу филтрларни фаоллаштириш ва сошлаш, қўллаб исталмаган хабарларни сизнинг асосий почта кутубхонадан узоқлаштиради.

2. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИНИ ЭХТИЁТКОРЛИК БИЛАН УЛАШИНГ.

Электрон почта манзилингизни фақат ишончли сайтлар ва шахслар билан улашинг. Интернетда рўйхатдан ўтишда ва форумларда иштирок этишда ҳамда шарҳлар бўлимида электрон почта манзилингизни очиқ қолдирмасликка ҳаракат қилинг.

3. ШУБҲАЛИ ХАБАРЛАРНИ ДАРҲОЛ ЎЧИРИНГ.

Агар сиз қутилмаган хабар олган бўлсангиз, уни ҳеч қачон очманг ва ундаги ҳаволаларга босманг. Бундай хабарларни дарҳол ўчириш, улардан келадиган потенциал зарарлар (зарарли дастурлар ёки фирибгарлик схемалари)дан сизни ҳимоя қилади.

4. МАХФИЙЛИК СОЗЛАМАЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ.


Ижтимоий тармоқлар ва бошқа онлайн платформаларда махфийлик созулмаларини оқилона фойдаланиш шахсий маълумотларингизни ҳимоя қилишда ёрдам беради.

5. АНТИВИРУС ВА АНТИ-СПАМ ДАСТУРЛАРИДАН ФОЙДАЛАНИНГ.

Замонавий антивирус ва анти-спам дастурларини ўрнатиш ва доимий янгилаб туриш, электрон почта орқали келадиган спам ва зарарли дастурлардан ҳимоя қилади.

6. ҲАВОЛАЛАРГА ЭХТИЁТКОРЛИК БИЛАН ЕНДАШИНГ.

Номаълум ёки шубҳали манбалардан келган ҳаволаларга босмаслик, бу сизни фирибгарлик ёки зарарли веб-сайтларга йўналтиришдан сақлайди.



7. ЭЛЕКТРОН ПОЧТА МАНЗИЛИНИ МАХФИЙ ТУТИНГ.

Электрон почта манзилини интернетда турли жойларда фойдаланишдан сақланг. Вақтинчалик почта хизматларидан фойдаланиш сизнинг асосий почта кутубхонадан тоза бўлишига ёрдам беради. Бу усул асосий электрон почта манзилингизни ҳимоя қилиб, фақат ишончли алоқалар учун очиқ қолдириш имконини беради.

8. МАХФИЙЛИК СИЁСАТИНИ ЎҚИБ ЧИКИНГ.

Янги хизматларга рўйхатдан ўтишда уларнинг махфийлик сиёсатини диққат билан ўқиб чиқинг. Бу сизнинг маълумотларингизни қандай ишлатишлари ва улашишлари ҳақида маълумот беради.

Кибрхавфсизлик маркази.



Янги қонун лойиҳасига кўра, **ОММАВИЙ ИШДАН БЎШАТИЛГАН** ишчиларнинг ижтимоий ҳимояси кучайтирилади.



ОРОЛ ДЕНГИЗИ бўйида мобил алоқа ва интернет тармоғи ишга туширилди.



“ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН” университети талабалари дунёнинг биринчи рақамли олийгоҳи — Массачусетс технология институтига амалиёт ўтади.



МАНЗАРА

Янги лойиҳа
“ОНА УЙИ”
ИЖТИМОЙ
МАРКАЗИ
КАНДАЙ
ТАШКИЛОТ?

Президент ҳузуридаги Ижтимоий ҳимоя Миллий агентлиги ташаббуси билан Қозғоғистоннинг “Ана Уйи” жамоат фонди ҳамкорлигида Тошкентда “Она уйи” ижтимоий марказини очиб туришида ўзаро ҳамкорлик Меморандуми имзоланди.

Дунёни қалб кўзи билан англаётган одамлар

Олийгоҳда ўқиб юрган кезларим кўзи ожиз курсдошим бўларди. Унинг билим олишга иштиёқини кўриб, кўпчилик ҳавас қиларди. Ўқиш учун берилган бадиий асарларни ҳаммадан олдин тугатар, икки-уч томли китобларни сўзма-сўз айтиб бера оларди. Гарчи имконияти чекланган бўлса-да, устозлар уни умрини беҳуда ўтказиб қўлган талабаларга намуна қилиб кўрсатгани кечадигдек ёдимда.

Инсон учун бир марта берилмаган бу ҳаётда унинг ривожланиши, тафаккурини юксалтириши учун ҳеч нарса тўсиқ бўла олмайди. Фақатгина ички хоҳиш ва интилиш бўлса бас. Шу маънода бугун атрофимизда имконияти чекланган бўлишига қарамай, ўз устида тинимсиз ишлаётган, катта-катта ютуқларни қўлга киритаётган инсонлар талайгина.

Наргиза Мирзаева Мирзо Улуғбек туманидаги “Алломиш” маҳалласида яшайди. Бу ёруғ дунёни қалб кўзлари билан кўради. Оламни ўқиган асарларида тасвирланган тимсол ёрдамида ўзича тасавур қилади. Китоб унинг энг яқин инсонни, дўстидек бўлиб қолган. Бирга дунёнинг назик сирлари ҳақида ширин суҳбатлар қуради.

— Наргиза кутубхонамизнинг йигирма йиллик аъзоларидан бири, — дейди Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси мутахассиси **Камола ТОШХЎЖАЕВА**. — Талабалик даврида курсдошлари билан бирга келарди. Кейинчалик имконсизлиги сабаб сўраган китобларини уйга етказиб берадиган бўлдик. Ҳар ой 7-8 та брайл ёзувидаги асарларни олиб борармиз. Бу 40-50 та китоб дегани. 30 кунда ҳаммасини ўқиб битиради. Алоҳида хизмат кўрсатиладиган бундай кекса ва яққа-ёнгиз яшовчи китобхоналаримиз 22 нафарни ташкил этади. Эшикдан китоб кўтариб кирсак, шундай қувонади-ки, тасвирлаш қийин. Кутубхонага келадиганларни бекавта кўтиб оламиз. Чой, сув бериб, меҳмон қиламиз. Кетаятганда юқларини кўтариб, автобус ёки таксигача қузатиб қўямиз. Қўлингиз шодлигини, миннатдор чехрасини кўриб, илаҳотган ишимиз нақадар савобли амал эканини яна бир қарра ҳис қиламиз.

Ижтимоий ҳимоя Миллий агентлиги маълумотларига қараганда, айна вақтда республикамизда 81 742 нафар кўзи ожиз фуқаролар рўйхатга олинган. Уларнинг

Ижтимоий ҳимоя Миллий агентлиги маълумотларига қараганда, айна вақтда республикамизда 81 742 нафар кўзи ожиз фуқаролар рўйхатга олинган. Уларнинг маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида 144 та махсус кўзи ожизлар учун мўлжалланган кутубхоналар хизмат кўрсатмоқда.

Шаҳноза РАҲИМЎЖАЕВА,
“Mahalla” муҳбири



маънавий эҳтиёжларини қондириш мақсадида 144 та махсус кўзи ожизлар учун мўлжалланган кутубхона хизмат кўрсатмоқда. Қонунчиликка кўра, 250 нафар кўзи ожизлар истиқомат қиладиган ҳудудда битта кутубхона ташкил этилиши белгилаб берилган. Бу йил Қашқадарё вилоятининг яна иккита туманида шундай маънавият масканини очиб режалаштирилган.

Бугун кўришда нуқсон бўлган юртдошларимизнинг илм олиши ва ўқиши учун яратилган шароитлар билан ақиндан танишиш мақсадида Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонасига бордик. 130 мингдан ортиқ босма, бўртма ҳамда аудио китоблардан иборат фонддан ногиронлиги бўлган фуқаролар, уларнинг оила аъзолари

ва яқин ҳудудда истиқомат қиладиган аҳоли вакиллари фойдаланиши учун барча имкониятлар яратилган. Китоблардан соғлом кишилар 15 кун, кўзи ожиз шахслар бир ой муддатга уйига олиб кетиб фойдаланса бўлади. Қўшимча овозли дастур ўрнатилган компьютердан кўришда муаммоси бўлганлар ҳам бемалол ишлаш олади. Хоҳловчиларга шу ернинг ўзида ташкил этилган уч ойлик информатика тўғрисида техникадан фойдаланиш кўникмалари пухта ўргатилади. Қўнига кутубхонага келадиган 15-20 нафар китобхоналар яратилган бу шароитлардан мамнун. Энг муҳими, улар ўзи қидирган китобни топиб, бемалол тинглаши ёки ўқиши мумкин.

Қузатувларимиз давомида ҳал этилиши керак бўлган айрим муаммоларга дуч келдик. Айтайлик, ўқув залига элтувчи йўлақлар жуда тор. Айниқса, кўзи ожизлар ёнида ҳамроҳи билан келишини ҳисобга оладиган бўлсак, бу кўпчиликка ноқулайлик туғдириши аниқ. Бундан ташқари, кутубхона фонди 2022 йилдан буён янги асарлар билан тўлдирилмаган.

— *Замонавий ёзувчиларнинг асарларига талаб жуда юқори, — дейди Республика марказий кўзи ожизлар кутубхонаси бўлим мудири Маъмура САТТОРОВА.* — Йигирма йиллик китобхоналаримиз мавжуд китобларни кўпини ўқиб тугатган, янги асарлар сўраётми. Утган йили кутубхона ходимлари ва ўқувчилар “challenge” ўтказиб, ихтиёрий равишда китоблар топширдик. Лекин асосий муаммо бўртма ҳарфли асарларни кўпайтиришдан иборат. Айна вақтда кутубхона қошида фаолият олиб бораётган босмахонада шўқламини янада кенгайтириш, штаб бирикларини кўпайтириш мақсада мувофиқ бўларди. Сабаби республиканинг барча ҳудудларига китоб етказиб беришимиз керак.

Бундан ташқари, мазкур зиё масканининг 11 та кўчма кутубхонаси мавжуд. Турли ташкилот ва кутубхоналар билан тузилган шартномага кўра, ҳар чоракда уларнинг талаб ва эҳтиёжидан келиб чиқиб керакли адабиётлар вақтинча фойдаланиши учун етказиб берилмоқда.

Юртимиздаги минглаб имконияти чекланган инсонларни қалбга, ҳаётга нур ва зиё олиб кираётган китобларни кўчира қўпайтириш кам. Энг муҳими, улар тақдир синовига таслим бўлмаш, ўз устида ишлашда давом этяпти. Ўқиган асарлари орқали дунёни англаяпти. Шундай экан, улларга раҳм-шафқат назари билан қараш эмас, аксинча имкониятларини юқори баҳолаб, билим олиши учун етарли шарт-шароит яратиб бериш зарур.

Бир асрлик йўл... Уни ёш авлодга ўрнатиб ва сабоқ қилиб кўрсатса арзийди

Ёши улур инсонлар билан суҳбат қилишни гашти ўзгача. Хотираларини бирма-бир варақлар экан, ўтмишнинг олис кўчаларига кириб чиққандек бўламиз. Кўп йиллик ҳаётнинг тажрибаларини тинглаб, ўзимиз учун янги хулосалар чиқарамиз. Бу оламнинг биз билмаган эшикларини очилади гўё...

Валижон САФОЕВ,
Нурота туманидаги
“Шайхон” маҳалласи раиси.

Бир асрдан кўпроқ йўлни босиб кўйган Турсунқул бобо Эргашевни Нурота тумани “Шайхон” маҳалласидегилар яхши танийди. 102 ёшни қаршилаган отахон турмуш ўртоғи Обод ая билан 7 нафар фарзандни тарбиялади. Улар эл-юрт манфаати йўлида хизмат қилмоқда. Ҳозир 30 нафар неваря, 84 нафар эвара ва 12 нафар



1941 йилда урушга кетиб, Россиянинг Жанубий Урал ҳарбий округида хизмат қилган. Донбасс, Киевни озод қилишда, Чехословакия жангарида иштирок этган. Отахон жангда яралангач, госпиталда даволаниб, 1945 йил 31 апрелда туғилган жойи — Ҳозғон қишлоғига қайтиб келади.

чеваранинг суюкли бобоси сифатида катта обрў-этиборга эга. Узоқ ва бой ҳаётини тажрибаси билан ёшлар ва маҳалладошларининг маслаҳаттўйига айланган. Доим уларни ғайратли, шижоатли бўлишга, эзгу ишлар бошлашга чорлайди. Маҳалладаги ҳар бир ўқувчиларнинг тўй-маъракаларга ўзи қўқилиладиган тўй-маъракаларга ўзи қўқилишга қилади, аҳолини тадбирларни камхарж ва камчиқим ҳолда ўтказишга ундайди.

Турсунқул бобонинг ҳаёт йўли, ҳар ўтган онини бугун улғаяётган ёш авлодга ўрнатиб ва сабоқ қилиб кўрсатса арзийди. 1941 йилда урушга кетиб, Россиянинг Жанубий Урал ҳарбий округида хизмат қилган. Донбасс, Киевни озод қилишда, Чехословакия жангарида иштирок этган. Отахон жангда яралангач, госпиталда даволаниб, 1945 йил 31 апрелда туғилган жойи — Ҳозғон қишлоғига қайтиб келади.

— Урушдан кейин педагогика билим юртида ўқиб, кўп йиллар ўқитувчилик қилдим, — **деди хотирлайди отахон.** — *Тарих фанидан ёшларга сабоқ бердим. Ортда қолган ҳаётимга назар ташлар эканман, қийинчилик даврлар, муаммолар кўз ўнгимдан бирма-бир ўтади. Фарзандларимнинг, неваря-чевараларимнинг камалини кўрганда*

эса қалбимдаги оғир дардларни унутиб, шукроналик келтираман. Мен мана шу замонда туғилганимдан, яшаётганимдан фахрланаман. Юртимизда халқнинг фаровон турмуши учун яратиб берилган имкониятлар, шаҳару қишлоқларимиз тобора гўзаллашган бораётганини кўриб дилдан қувонаман. Айниқса, ёшларнинг чуқур ва мукаммал билим олиши учун барча шароитлар бисёр. Улар бу имкониятдан унумли фойдаланиши керак.

Кексаларга кўрсатилаётган ҳурмат ва эҳтиром, уларнинг саломатлигини асраш ва ҳаётини тажрибаларидан унумли фойдаланиш келажакимиз эгалари бўлиши фарзандларимизнинг эртанги кунни янада порлоқ бўлишини таъминлашга хизмат қилади. **Турсунқул Эргашев хизматлари учун “Халқ таълими аълочили” кўкрак нишони, “Жасорат” медали ва “Дўстлик” ордени билан тақдирланган.**

Отахон ҳар сафар кўлларини дуога очар экан, аввало, юртимизга тинчлик, халқимизга соғлиқ, омонлик, дастурхонимизга тўкин-сочинлик сўрайди. Зеро, ўтаётган файзли ва шукхули кунларимиз замирида нурунийларимизнинг шундай эзгу тилак ва ниязлари мужассам.



ИЛЬГИЗ ТАНТАШЕВ
бошчилигидаги
Ўзбекистонлик ҳакамлар
жамоаси осиё чемпионлар
лигаси финал учрашувини
бошқаради.



Ёш хоккейчиларимиз
ОСИЁ-ОКЕАНИЯ
чемпионатида
иккинчи бор
ғолиб бўлди.



Халқаро шахмат
федерациясининг
янгиланган ТОП-100
рейтингида Ўзбекистонлик
4 нафар гроссмейстер
қайд этилди.



МУШОҲАДА

Мақсадим — маҳалламиздаги ҳар бир хотин-қизни жамиятнинг фаол аъзосига айлантириш. Бекорчи ва боқиманда кайфиятдаги фуқароларни ўзи ва оиласи учун ҳаракат қилишга ундаш.

МУЛОҲАЗА
**Ўзга тилни ўрганган
инсон ҳам ўзгаради**

Тил — халқларни бир-бирига боғловчи ва бир-бирдан ажратиб турувчи ўзига хос ҳодиса. Ҳар қандай инсон қанчалик кўп тил билса, тараққиёт йўлидан шунчалик тез ва изчил бора олади. Юртбошимиз таъкидлаганидек, мамлакатимизда хорижий тилларни ўргатиш бўйича келажак учун мустаҳкам пойдевор бўладиган янги тизимни йўлга қўйишнинг вақти келди. Биз рақобатдош давлат куришни ўз олдимизга мақсад қилиб қўйган эканмиз, бундан бунён мактаб, лицей, коллеж ва олий ўқув юрти битирувчилари камида 2 та чет тилини мукамал билишлари шарт. Бу қатъий талаб ҳар бир таълим муассасаси раҳбари фаолиятининг асосий мезонига айланиши лозим.



Азиза ШАРИПОВА,
Тошкент ахборот
технологиялари
университети
Чет тиллар кафедраси
мудирини,
Филология фанлари
бўйича фалсафа доктори
(PhD), доцент

Канадалик психологист олим Франк Смит "Чет тилларни ўрганиш инсонга бошқа тилни билишдан ҳам кўпроқ нарса, яъни янги дунёни билиш имконини беради", деган. Бирор киши чет тилини ўрганишга шўнғиганда, у нафақат янги сўзлар ва грамматикани ўрганади, балки атрофдаги дунёни тафаккур ва идрок этишининг янги уфқларини очади. Тил орқали бошқа маданият билан ўзаро муносабат дунёқарашларнинг хилма-хиллиги ва кўп қирралигини англаш имконини беради. Бу ўзингизни ва бошқаларни яхшироқ тушунишга ёрдам беради.

Чет тилини ўрганиш бағрикенглик ва маданиятлараро мулоқотни ривожлантиришга хизмат қилади. Флоренс Найтингейл айтишича, "Чет тили бизни нафақат турли сўзларда гапиришга, балки турли ғоялар билан фикрлашга ҳам ўргатади". Бошқа тилларда сўзлашувчилар билан мулоқот қилиш имкониятини яратиш орқали биз онгимизни янги ғоялар, аъёнлар ва кадрятларга очамиз. Турли маданиятларни ўрганиш глобал жамиятнинг шаклланишига олиб келади.

Бундан ташқари, чет тилини ўрганиш инсоннинг когнитив қобилиятлари ва интеллектуал салоҳиятини ривожлантиришга ёрдам беради. Янги тилни ўрганишимиз билан миямиз фаоллашади, хотира, эътибор ва мантиқий фикрлаш яхшиланади. Бу жараён нафақат инсоннинг ўзини камол топишга ёрдам беради, балки бутун жамият тараққиётига ҳисса қўшади.

Шундай қилиб, чет тили жамият ва шахсларнинг маънавий дунёсини шакллантиришда муҳим ўрин тутади, маданий бойитиш, маданиятлараро тушуниш ва шахс ривожланишига хизмат қилади. Чет тилларини ўрганиш халқаро ва шахслараро даражада уйғун муносабатларни ўрнатиб учун зарурдир, чунки тилни билиш бир-бирингизни ва бутун дунёни тушунишнинг калитидир.

**Таваккалчилик —
тадбиркорликнинг аввали**



Мадина НИҒМАТОВА,
Бухоро шаҳридаги "Янгиобод" маҳалласи
хотин-қизлар фаоли.

**Иккиланиш, янги иш бошлашдан қўрқиб қолмаслик каби туйғулар
фақатгина тўсиқ бўлади, холос.**

Махтов Одилова 20 йил аввал тадбиркорлигини тикув корхонаси очишдан бошлаган эди. Кейинчалик томорқа йўналишида ўзини синаб кўрди. Айни вақтда иккита йирик иссиқхонадан яхшигина даромад топапти. Помидор ва бодрингдан йилга икки марта ҳосил олади. Сара ва сархил маҳсулотлар нафақат юртимиз бозорларига, балки қўшни мамлакатларга ҳам экспорт қилинмоқда.

Махтов опа шунчаки экин экмайди, уларни кўчат ҳолидан токи пишиб етилгунча тепасида бўлади. Ҳашарот ва касалликлар тушиб, ҳосил сифатига салбий таъсир қилмаслиги учун тажрибали мутахассислар билан ҳамкорликни йўлга қўйган. Аҳолига сифатли ва тоза маҳсулот етказиб бериш ҳаракатида. 40-50 нафар ишсиз фуқаронинг бандлигини таъминлаб, ойига 3-3,5 миллион сўмдан маош тўлаяпти. Турмуш ўртоғи, икки нафар ўғли ва келинлари унинг доимий кўмакчилари. Маҳалламизда ташкил этган мини футбол майдончаси ёшларнинг вақтини мазмунли ўтказиш учун аниқ муддао бўлди. Тадбиркор йилдан-йилга фаолият кўламиди кенгайтириб, халқ манфаати учун туну кун хизмат қилапти. 2022 йилда унинг меҳнатлари муносиб баҳолашиб, "Шўхрат" медали билан тақдирланди.

Махтов Одилованинг фикрича, ҳар қандай соҳада муваффақият қозониш учун инсон, биринчи навбатда, таваккал қилишни билиши керак. Иккиланиш, янги иш бошлашдан қўрқиб қолмаслик каби туйғулар фақатгина тўсиқ бўлади, холос. Хотин-қизлар билан учрашувларда шу каби интилувчан, аниқ мақсадлар сари ҳаракат қилаётган аёлларни доим намуна қилиб кўрсатаман.

Дилдора Атоева дастлаб оилавий шароити тўғрисида "Аёллар дафтари"га киритилган эди.

Маҳалла кўмаги билан субсидия асосида тикув машинаси берилгач, чеварчиликни бошлади. Айни вақтда 20 нафар ишсиз фуқаронинг бандлигини таъминлашга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Баъзилари фарзанди кичик бўлгани сабабли буюртмаларни уйда тикиб топширади. Айримлар имкониятига қараб, кечки вақтда меҳнат қилиб пул топяпти. Қўли гул тикувчилар буюртма асосида ҳамда хорижий мамлакатлардан олиб келинган сифатли матолардан тайёр қўйлақлар тикиб сотиаяпти. Миқозлари жуда кўп.

Аслида, тадбиркорлик ҳаммининг ҳам қўлидан келади. Фақат бу ишни бошлашга қандайдир тўсиқлар ҳалал бериши мумкин. Хотин-қизларни ишлашга, ўзини ўзи банд қилишга руҳлантириш эканман, аввало, шу жиҳатларга эътибор қаратаман. Айниқса, тушунликка тушиб қолганларнинг нимадан зериккани, оиласидаги муаммолари, турмуш ўртоғи билан муносабатлари, соғлиги ҳақида суриштирмаман. Вазиятни ижобий томонга ўзгартириш борасида Бухоро вилояти тадбиркор аёл ассоциацияси психологи Гулчехра Авезова катта ёрдам беради. Керакли тавсия ва маслаҳатларидан кейин кўпчиликда ижобий ўзгаришлар кузатилади. Бундан ташқари, аёллар мазкур ташкилот ташкил этган 5 кунлик тадбиркорлик курсларига кенг жалб этиляпти. Улар психология, менежмент, маркетинг йўналишларида билим оляпти. Ёш болали, имконияти етмайдиган 36 нафар хотин-қизлар маҳалла биносида мутахассисларни жалб қилган ҳолда ўқитилди.

Ҳамжихатликда қилинган иш доим ижобий натижа беради. Шу маънода "маҳалла еттилиги" билан барча муаммоларга ечим топиб келяпмиз. Аслида тизимда олиб борилаётган ислохлар замирида айнан шу ғоя мужассам.

Туғаб бораётган ҳаёт манбаи...

Ҳозирги кунда қудуқларнинг 90 фоизиди ҳисоблагич йўқлиги сабабли ер ости сувлари сарфи тўғрисида аниқ маълумот тўплаш имкони бўлмапти.

Уқувчи бўлган ҳезларим мактабга боришда синфдошларим билан қўшни маҳалладан ўтардик. У бошқа йўлга нисбатан манзилни яқин қиларди. Аммо хали шўх, ўйинкароқ биз ўсмирлар учун бу муҳим эмасди. Хонадонлардан бирининг ташқаридаги кичкина томорқасида сув жўмраги бўларди. Ундан кишини ёзин катта босим билан ариққа муздек сув оқарди. Жазирама иссиқ кунларда ҳар ўтган-қайтганда жўмракдан тўйиб-тўйиб сув ичардик. Гоҳида бош-баданни шундоқ тикиб, салқинлаб олардик. Шу боис мактабга бориб-келишда аниқ шу йўналиш танланарди.

Орадан йиллар ўтиб, йўлим ўша маҳалла томон тушди. Хонадон соҳибини томорқа атрофини учи камондай темир панжара билан ўраб, қулф солиб қўйган. Кейинчалик билишимча, сувнинг беҳуда исроф бўлганидан тумандаги сув таъминоти корхонаси ходимлари ўша хонадонни аввал жаримага тортибди. Сўнг ҳисоблагич ўрнатилди. Ҳа, чўнтакка жиддий зарба берганидан, сувнинг ҳар бир томчиси ҳисоб-китобли бўлганидан кейин ким ҳам инсофга кириб, ақл билан иш тутмайди дейсиз?..

Фақат мазаси гапирилади, тузатиш эмас. Бир неча йил олдин ер масаласида тумандаги кадастр бўлимига борганим. Ташкилотнинг машиналарини қўйишга мўлжалланган жойида сув жўмраги бўларди. Ундан ҳаммиса тўйиб-то-

шиб сув оқарди. Бинога кириб чиқадиган одам борки, шу ердан сув ичиб, чанқоғини босарди. Каттаю кичик сувнинг нақадар мазали эканини айттарди, холос. Ҳақиқатдан ҳам таъми зўр эди: хидсиз, дориланмаган, ер остидан чиқадиган табиий булоқ сув.

Мазкур хунук ва ачинарли манзарага ташкилот биноси бошқа жойга қўчирилиб, туманда кенг кўламли қурилиш ва ободонлаштириш ишлари амалга оширилганидан кейин барҳам берилди.

Шуларни хаёлдан ўтказиб, ўйлаб қолам: **наҳотки, бир вақтлар ўша ташкилот мутасаддилари сувни бу қадар назоратсиз ва ҳисобсиз сарфлашга йўл қўйди? Мутахассисли олиб келиб, битта жўмрак ўрнатиш шунчалар қийинми?**

"Эгасиз" қувур бор... (ми)?

Аслида мана шунга ўхшаш салбий ҳолатларга барҳам бериш мақсадида ер ости сувлари иншоотларини ҳисоблагич билан жиҳозлаш мажбурияти белгиланди. Чунки шу пайтгача улардан тартибсиз фойдаланиш оқибатида кўп жойларда ер ости суви камайиб кетди. Айрим ҳудудларда унинг сатҳи 5 метргача пасайган. Бу ҳақда 2022 йил 7 декабр куни Президентимиз ер ости сувларини муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирлар тақдироти билан танишиш чоғида маълум қилганди.


Давлатимиз раҳбари масалага эътибор қа-

ратиб, жойларда руҳсатсиз қудуқлар бурғилаш, ер ости сувларидан назоратсиз ва ҳисобсиз фойдаланиш ҳамон давом этаётганини таъкидлади. Шу боис Президент кўрсатмасига мувофиқ, ер ости сувлари муҳофазасини кучайтириш ва ундан фойдаланишни такомиллаштириш бўйича тақлифлар ишлаб чиқилди. Унга кўра, ер ости сувининг сатҳи 5 метрдан зиёд пасайган ҳудудларда қудуқлар бурғилаш ва ер ости сувларидан фойдаланишга мораторий жорий қилинди.

"Ҳозирги кунда қудуқларнинг 90 фоизиди ҳисоблагич йўқлиги сабабли ер ости сувлари сарфи тўғрисида аниқ маълумот тўплаш имкони бўлмапти. Шунинг учун ер ости сувларидан фойдаланувчиларга 2024 йил 1 январга қадар ўз тасарруфидаги иншоотларини сув ҳисоблагич билан жиҳозлаш мажбурияти қўйилмоқда", — дейилган эди хабарда.

Айни пайтда кишини ўйлантирадиган савол бор: юқорида келтирилган икки ҳолатни олсак, ўша пайтда қанчалар сув беҳуда исроф бўлган экан? Шубҳасиз, бу ҳеч кимга маълум эмас, барчага қоронғу. Лекин бир нарса кундай равшан: юз минглаб аҳолига эга туманнинг, керак бўлса, бир неча йилларга етадиган суви энди йўқ. Ундан аллақачон бебаҳра қолган.

Янада оғрикли жумбоқ: нима деб ўйлайсиз, ҳозир ҳам суви шариллаб оқаётган "Эгасиз" қувури жўмраклар борми?



Муҳиддин РАСУЛ.

Мана, яқинда бошқа коммунал хизматлар қатори, ичимлик сув учун тарифлар кўтарилди. Сезиларли даражада ошди. Албатта, мазкур ҳолат жамоатчилик ўртасида кенг муҳокамаларга сабаб бўлди. Нарх хусусидаги қарорни таҳлил қилмоқчи эмасман. Фақат билганим шунки, бизда сувдан оқилона фойдаланиш маданияти ҳали тўлиқ шаклланмаган. Ва яна шунга умид қиламанки, энди одамларимиз сувни озми-кўпми ўйлаб, мақсадли ишлатади. Сўзим охирини сизу биз эшитган, билган оддий ҳақиқат билан яқунламоқчиман: ер юзида сув сероб, аммо истеъмолга яроқли тоза ичимлик суви... Хулоса ўзингиздан.



Ўзбекистон маҳаллалари уюшмасининг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маърифий газетаси
Бош муҳаррир:
Бахтиёр АБДУСАТТОРОВ
Дизайнер:
Абдулазиз АҲМЕДОВ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2019 йил 24 сентябрда 0019 рақами билан давлат рўйхатидан ўтказилган.

Муассис: «Mahalla» nashriyot-matbaa uyii» МЧЖ
Тахририят манзили:
100192, Тошкент шаҳри Мустақиллик шоҳ кўчаси 59-уй.
Телефонлар:
71 233-39-89, 71 233-10-92.
Нашр кўрсаткичи: 148

«Шарқ» НМАК босмахонасида чоп этилди. Босмахона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси 41-уй.

Ўлчами — 380x587, 4 б.т. 4 830 нусхада чоп этилди. Буюртма №: Г-520

Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди ва офсет усулида босилди.

